БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 54 (545)

13 МАРТ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАЙОН, ОБЛАСТЬ, ЎЛКА ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ВА ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИНИНГ, РАЙОН, ОБЛАСТЬ, ЎЛКА ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ, АВТОНОМ ВА ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАР МИНИСТРЛАР СОВЕТЛАРИНИНГ Э'ТИБОРИНИ ШУ НАРСАГА ЖАЛБ ҚИЛДИЛАРКИ, КОЛХОЗ ИШЛАБЧИҚАРИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ВА АРТЕЛЬ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ КОЛХОЗЛАРДАГИ ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ УЧУН БЎЛГАН МАС'УЛИЯТИНИ КАМАЙТИРМАЙДИ, БАЛКИ ОШИРАДИ, ШУ САБАБЛИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚИШЛОҚДАГИ СИЁСИЙ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИ САВИЯСИНИ КЎТАРИШНИ, КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШНИ, СОЦИАЛИСТИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БУТУН КУЧ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ИШГА СОЛИШНИ ҲАМДА КАДРЛАРИМИЗНИНГ ҲАРБИР КОЛХОЗДАГИ ИШНИНГ АҲВОЛИ УЧУН БЎЛГАН МАС'УЛИЯТЛАРИНИ ОШИРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИЛАР.

(КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қароридан).

Колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш тўғрисида буюк ғамхўрлик

Газетамизнинг ўтган кунги сонида КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалик артелининг Устави ва колхоз ишлабчиқаришини ташкил этиш ҳамда артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ҳамда «Колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш ва колхозларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида»ги қарорлари э'лон қилинди. Бу муҳим ҳужжатлар партия ва ҳукуматимиз томонидан колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, артель хўжалигини тобора ривожлантириш, колхозлар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ма'лумки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети колхозларнинг жамоат хўжалигини ҳартомонлама ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин равишда юксалтиришга жуда катта аҳамият бериб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг сўнгги йилларда ўтказилган Пленумлари қарорларида, партия XX с'езининг тарихий қарорларида ва олтинчи бешйиллик план юзасидан қабул қилинган Директиваларда социалистик қишлоқ хўжалигини ва колхоз экономикасини юксалтиришнинг улуғвор программаси чизиб берилган, колхозчилар моддий фаровонлиги ва маданий даражасини оширишнинг конкрет тадбирлари белгиланган.

Партия ва ҳукуматимизнинг колхоз тузумини мустаҳкамлашга қаратилган қарори бу тадбирларни амалга оширишда ғоят катта роль ўйнайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида мамлакатимизда индустриялаштириш асосида ёппасига коллективлаштириш ўтказилди. Қишлоқда янги социалистик тузум барпо қилинди ва бу тузум ўн миллионлаб деҳқонларнинг ишлабчиқариш ва турмуш асосларини тубдан ўзгартириб юборди, уларнинг ижодий ғайрат ва ташаббусини ошириб, ўзининг буюк ҳаётий кучини ва афзаллигини бутун дун'ё олдида намойиш қилиб кўрсатди. «Колхоз тузуми, — дейилади КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қарорида, — янги социалистик ташкилот ва анча юксак меҳнат унумдорлигини вужудга келтириб, совет қишлоғидаги барча меҳнаткашларга тўқ ҳаёт кечирмоқ учун кенг йўл очиб берди. Коммунистик партия ва Совет давлати коллектив хўжаликларни ташкил этганларида шунга асосландилар ва асосланиб келмоқдаларки, артель хўжалигини бошқаришда яркак ва аёл колхозчиларнинг актив қатнашишлари ва чинакам фаолият кўрсатишлари асосидагина колхозларда юксак меҳнат унумдорлигига ва янги иҳтимоий интизомни янада мустаҳкамлашга эришиш мумкин».

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ иккинчи с'езида қабул қилинган қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Устави колхоз тузумини мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу Уставда коллектив хўжаликни бошқаришда ўша вақтда тўпланган тажрибалар умумлаштирилган эди. Устав қабул қилинган вақтдан бери орада йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида социалистик колхоз қишлоғи ҳаётида тарихда мисли кўрилмаган ғоят катта ўзгаришлар рўй берди, кўптармоқли ва йирик жамоат хўжалигини қуришда янги, бой тажриба тўпланди. Колхозчи деҳқонларнинг сиёсий онглилиги ошди, улар умумдавлат манфаатларини яхши тушунадиган бўлиб қолдилар, ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи янада кўпроқ мустаҳкамланди. Колхоз ишлабчиқаришининг янги моддий-техника базаси вужудга келтирилди.

Қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Устави қабул қилингандан буён ўтган сўнгги йигирма йилдан ортиқ вақт ичида колхоз ишлабчиқаришининг отоқли ташкилотчилари етишиб чиқди. Улар кўптармоқли, йирик ва мураккаб колхоз хўжалигига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар, колхозчилар оммасининг тажрибасига таяниб, янги техника ва илғор фан ютуқларидан кенг фойдаланиб, артель хўжалигини ривожлантирмоқдалар. Областимизнинг Октябрь районидаги Каганович номли колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдулла Ортиқов, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен-хва, Калинин районидаги Ворошилов номли колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломмаҳмуд Абдуллаев ва бошқа ўртоқлар ана шулар жумласидандир.

Колхоз қурилиши ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янада юксалтиришнинг янги вазифаларини колхозлар ўзлари ҳал қилаётган ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Устави колхозлардаги хилма-хил ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма томонларини ўз ичига ололмай қолди, бирқанча ҳолларда колхозларнинг жамоат хўжалигини бошқаришнинг колхоз ишининг конкрет шароитларига энг кўп мос бўлиб тушадиган тартибини белгилашдаги ташаббусларини чеклаб қўймоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина колхозлар ва колхозчилар қишлоқ хўжалик артели Намуна Уставининг ба'зи қоидаларини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бирқанча районларда маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларга ишлабчиқаришнинг конкрет шароитларига ва хўжалик тараққиётининг савиясига мос келмайдиган умумий ташкилий формаларни ва хўжалик нормативларини белгилаб беришлари орқасида колхоз демократиясини бузиш фактлари борлигини ўз қарорларида қайд қилиб кўрсатдилар.

Қишлоқ хўжалик артели — ўз ихтиёри билан бирлашган деҳқонларнинг коллектив хўжалигидир ва артель маҳсулотларига ва мулкларига артель а'золарининг ўзлари хўжайиндирлар ва артель а'золарининг ўзлари артель ишини совет ҳокимиятининг қонунларига, Партия ва Ҳукумат қарорларига мувофиқ равишда, давлатнинг, колхозларнинг ва колхозчиларнинг манфаатларини кўзлаб бошқариб борадилар. Лекин кўпгина ходимлар буни унутиб қўймоқдаларки, бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Устави қабул қилинган вақтдан бери колхоз қишлоғида жиддий ўзгаришлар рўй берганлигини ҳисобга олиб, колхозларга, деҳқончиликни ва чорвачиликни кескин равишда юксалтиришдан иборат асосий вазифага асосланиб, колхозларнинг маҳаллий, конкрет шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик артели қабул қилган Уставнинг айрим моддаларини ўзлари тўлдирсинлар ва ўзгартирсинлар, деб тавсия қилдилар ва маслаҳат беришни зарур топдилар.

Колхоз ишлабчиқаришини ташкил этишда ва артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантириш маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг колхозлардаги ишларнинг аҳволи учун бўлган мас'улиятини камайтирмайди, балки оширади. Шу сабабли улар қишлоқда олиб борилаётган сиёсий ва ташкилий ишларнинг савиясини янада юқори даражага кўтаришлари, колхозчиларнинг ижодий активлигини кучайтиришлари, социалистик қишлоқ хўжалигининг бутун куч ва воситаларини ишга солишлари ҳамда кадрларимизнинг ҳарбир колхоздаги ишнинг аҳволи учун жавобгарлигини янада оширишлари лозим.

Кейнги йилларда колхозларнинг пул даромадлари анча кўпайди ва колхозчиларнинг меҳнат кунларига пул бериш бирмунча ошди. Броқ, колхозлардаги мавжуд практика, я'ни даромадларнинг меҳнат кунларига қараб тақсимланадиган асосий қисми колхозчиларга фақат хўжалик йили тамом бўлгандан кейингина берилаётганлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга етарлик ёрдам бермаётир ва жамоат хўжалигини ривожлантиришда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш вазифаларига тўла мос келмаётир. Шунинг учун колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг мавжуд тартибини қайтадан кўриб чиқиш зарур бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети жамоат хўжалигини ривожлантиришда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида колхозларга умумий йиғилишларнинг қарорига биноан колхозчиларга жамоат хўжалигининг ҳамма тармоқларидан ҳақиқатда олинган пул даромадларининг камида 25 процентини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация қилиш, давлатга сотиш ва етказиб бериш мажбурияти бўйича олинадиган пул маблағларининг 50 процентини бутун йил бўйи ҳар ойда аванс тариқасида бериб туришни тавсия қилди. Колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш колхозларда меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлиб, меҳнат кунининг ролини кўтаради ва жамоат хўжалигини ривожлантиришда колхозчиларнинг манфаатдорлигини оширади.

Партия ва Ҳукуматимизнинг колхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақидаги буюк ғамхўрлигидан илҳомланган шонли колхозчи деҳқонларимиз социалистик қишлоқ хўжалиги олдига КПСС XX с'езди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни шараф блан бажариш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Н. А. Булганин Венсан Ориоль жанобларини қабул қилди

1956 йил 12 мартда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Франция Республикасининг собиқ Президенти Венсан Ориоль жанобларини қабул қилди ва у блан суҳбатлашди.

Франциянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. Дежан жанаблари Венсан Ориоль жанобларига ҳамроҳ бўлиб келди. (ТАСС).

Областимиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг иш кунини қисқартириш, колхозларнинг экономикасини янада мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақидаги қарорларини қизғин ма'қулламоқдалар

☆

Янада унумли ишлаймиз

Заводимиз коллективи СССР Олий Совети Президиумининг ишчи ва хизматчилар учун дам олиш кунлари олдидан ва байрамолди кунларида иш кунини қисқартириш тўғрисидаги Фармонини зўр ҳурсандчилик блан кутиб олди. Бу ҳақда заводимизнинг кекса ишчиси Ўрток Корженко бундай дейди:

— Дам олиш кунлари олдидан ва байрамолди кунларида иш кунининг қисқартирилиши, айниқса биз, хотин-қизлар, учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Эндиликда биз ишдан кейин болаларимиз тарбияси блан ва уй-рўзғор ишлари блан кўпроқ шуғулланиш учун қўшимча имкониятларга эгамиз, турли ҳаваскорлик тўгаракларига қатнашиш, бадиий адабиётлар ўқиш учун кўпроқ вақт ажратаоламиз.

— Жонажон ҳукуматимиз биз ишчиларга янги-янги қулайликлар яратиб бермоқда, — деди кекса пармаловчи Рустам Зоҳидов. — Биз бу ғамхўрликка янада унумли ишлаш блан жавоб берамиз. Мен иш кунидан имкони борича тўла фойдаланиш, прогрессив методларни кенг қўлланиш асосида 8 соатга мўлжалланган, ишни 6 соатда бажаришга ҳаракат қиламан.

Машинасозларимиз партия ва ҳукумат ғамхўрлигига жавобан меҳнат унумдорлигини янада ошириш, тайёрланаётган химия машиналари ва аппаратларининг сифатини яхшилаш, технология процессларини такомиллаштириш ва шу асосда олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш мақсадида зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

О. ЛЕВАК,

«Средазхиммаш» заводи касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

Амалий иш блан жавоб бермоқдалар

Москвалилар ташаббусига қўшилган Тошкентдаги 3-нчи нон заводининг коллективи олтинчи бешйилликнинг биринчи йили—1956 йил топширигини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Корхонада икки ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди ва қўшимча равишда 100 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

СССР Олий Совети Президиумининг ишчи ва хизматчилар учун дам олиш кунлари олдидан ва байрамолди кунларида иш кунини қисқартириш тўғрисидаги Фармони завод коллективининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Март ойининг биринчи декада топшириғи ортиғи блан бажарилди. Бригадаларарo социалистик мусобақада Ўртоқ Содиқов бошлиқ бригада а'золари энг яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Иш жойида меҳнатнинг намунали ташкил этилиши туфайли биргина февраль ойининг ўзида меҳнат унумдорлиги 10 процент ошириллди, кўп миқдорда хомаш'ё ва электр қуввати тежалди.

Шу кунларда завод коллективи биринчи квартал планини муддатидан илгари бажариш мақсадида социалистик мусобақани янада кучайтирмоқда.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

Калинин районидаги Сталин номли колхоз а'золари КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қишлоқ хўжалиги артелининг Устави тўғрисида қабул қилган қарорларини баланд руҳ блан кутиб олдилар. **Суратда:** колхоз парник хўжалигининг бригада бошлиғи ўртоқ **В. Рафиқов** бир группа колхозчиларга партия ва ҳукуматимизнинг ана шу қарорларини ўқиб эшитдирмоқда. **В. Салов** фотоси

Колхозчи деҳқонларнинг миннатдорчилиги

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалик артелининг Устави ва колхоз ишлабчиқаришини ташкил этишда ҳамда артель ишларини бошқаришда колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ривожлантириш тўғрисида» ва «Колхозчиларга ҳар ойда аванс бериб туриш ва колхозларда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида»ги қарорлари колхозчи деҳқонларимизни ғоят қувонтирди. Бизнинг «Коммунизм» колхози а'золари ҳам бу қарордан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз ўз қарорида колхозчиларнинг меҳнат ғайратини ошириш, дангасаларга, меҳнат минимумини бажармовчиларга, колхоздан томорқа олиб, коллектив хўжаликка кам фойда келтирувчиларга нисбатан қаттиқ зарба бериш вақти етиб келганлигини алоҳида уқириб ўтганлар. Ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган колхозчиларнинг ташаббускорлигини янада ошириш зарур эканлигини кўрсатганлар.

Қишлоқ хўжалик артелининг Намуна Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тараққиётида жуда катта роль ўйнайди. Энди колхозчига фақат колхозга а'зо бўлганлиги учунгина томорқа беришига, ҳалол ишламай, колхоздаги ишларнинг аҳволига ҳамма ходимлар ва ишлаётганлар ҳамма ишлаётганлар ва ишлаётганлар ишлаётганлар ишлаётганлар

Бутун куч—КПСС XX с'езди қарорларини амалга оширишга!

Москва шаҳар партия активининг йиғилиши

9 мартда Катта Кремль Саройида Москва шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда 3 мингга яқин киши қатнашди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини йиғилиш фахрий президиумига сайлаш тўғрисидаги таклиф гулдурос, давомли қарсаклар блан қутиб олинди.

КПССнинг энг катта отрядларидан бирининг вакиллари партия XX с'ездининг якунлари ва Москва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида ўртоқ Е. А. Фурцеванинг докладини тинглаб, ва муҳокама қилдилар.

— КПСС XX с'ездининг тарихий қарорлари,—деди ўртоқ Фурцева, — партияни ва бутун совет халқини мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб боришнинг улуғвор программаси блан қуроллантирди. С'езд марксизм-ленинизм бузилмас принципларининг ва, аввало, коллектив раҳбарлик принципининг тантанасини намойиш қилди. С'езд Ватанимизни янада яшнатишнинг ёрқин перспективаларини кўриб турган коммунистлар ва бутун совет халқининг ташаббуси нақадар юксак даражага кўтарилганлигини кўрсатди.

Москва шаҳар партия ташкилотининг коммунистлари с'ездга қўйилган муҳим вазифаларни ҳал қилишга анча ҳисса қўшишлари лозим. Биринчи навбатда меҳнаткашларни олтинчи бешйиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажармоқ учун сафарбар қилишга бутун куч ва ғайратни қаратмоқ керак.

Ўртоқ Фурцева техникани тараққий этдириш учун курашнинг алоҳида аҳамиятини кўрсатиб ўтди ва бу иш учун олимлар, инженерлар ва техниклар зиммасидаги юксак мас'улият тўғрисида гапирди. У айтдики, консерватизм, лапашанглик бутун янгликни, илғор муваффақиятларни ишлабчиқаришга жорий қилиш йўлидаги катта тўсқинликдир. Чунончи, қуйиб тайёрланадиган модельларни аниқ қилиб ясаш методини пойтахт автомобильсозлари шу вақтгача оммавий ишлабчиқаришда жорий қилмаётирлар. Бошқа қимматли ташаббуслар ҳам Москва корхоналарида кенг ёйилмаётир. Партия ташкилотлари ва район партия комитетлари техника янгликларининг жорий қилинишини ўз контрольликлари остига олишлари лозим.

Пойтахтдаги олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари корхоналарга катта ёрдам кўрсатишлари лозим. Москва олий мактабларида 16 минг профессор ва ўқитучи, шу жумладан фан докторларидан 1500 киши ва фан кандидатларидан 7 минг киши ишламоқда. Бирқанча олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасаларидаги партия ташкилотлари коллективларнинг илмий ишига тузук та'сир ўтказмаётганликлари, камчиликларга индамай қараб келаётганликлари докладда айтиб ўтилди.

Сўнгра ўртоқ Фурцева ишлабчиқариш маданиятини ошириш, Москва саноатини юксак янги техника блан та'минлаш, илғорлар тажрибасини ёйиш масалаларига тўхталиб ўтди. Москва шаҳар партия ташкилоти мана шу катта резервлардан фойдаланиб, мавжуд ишлабчиқариш майдонларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни яқин йиллар ичида камида икки баравар кўпайтирмоқ учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилиши лозим.

Докладчи совет кишиларининг ва, жумладан, пойтахт меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапирди. Фақат 1956 йилнинг ўзидагина умуман Москва шаҳрининг ўзида капитал ишларнинг ҳажми 5 миллиард 300 миллион сўмни ташкил қилади. Беш йил мобайнида пойтахтда тўққиз миллион квадрат метр уй-жой майдони, кўпгина мактаб, кино-театрлар ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилади. Янги бешйилликда удуг Ленин ёдгори бўлган Советлар Саройи қурилиши лозим. Бу йил Москва метросининг Фрунзе ва Шчербаков радиуслари қурилиб бўлади ва Калинин радиуси қурилабошлайди.

Правардида ўртоқ Фурцева партиявий-ташкилий масалаларга ва идеология масалаларига тўхталиб ўтди. Докладчи уқтириб айтдики, Москва шаҳар партия ташкилоти пропаганда ва агитацияни анча яхшиламоқ, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтирмоқ учун ҳамма имкониятларга эгадир. Пойтахтнинг илмий ва ижодий ходимлари тадқиқотларда, лекцияларда, сан'ат асарларида омманинг тарихдаги роли муносиб равишда акс эттирилмоғи, халқ фаолиятининг ҳал қилучи аҳамияти кўрсатилмоғи учун кўп иш қилишлари лозим.

Музокараларда сўзга чиққанлар партия XX с'ездининг якунларидан ғоят мамнун бўлганликларини айтдилар, партия Марказий Комитетининг ишларини ва коллектив раҳбарлик принципларини мустаҳкамлаш соҳасида партия Марказий Комитети томонидан кейинги йилларда қунт блан ўтказилиб келаётган ишларни қизғин равишда ма'қулладилар. Йиғилиш қатнашчилари жонажон партиямизнинг улуғ режаларини амалга оширмоқ учун қунт блан курашишга ўзларининг тайёр эканликларини айтдилар.

КПСС Москварецкий район партия комитетининг секретари ўртоқ Борисов район меҳнаткашларининг олтинчи бешйиллигининг биринчи йили планини муддатидан олдин бажармоқ учун бошланган социалистик мусобақада ишлабчиқариш соҳасида янги муваффақиятларга эришаётганликларини гапирий берди.

СССР Давлат техника комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Максарев, Москва-Сортировочная станцияси депосининг старший машинисти ўртоқ Блаженов, Калинин номидаги фабрика йигирувчилар бригадасининг бошлиғи ўртоқ Котова ўз нутқларини техникани тараққий этдириш масалаларига бағишладилар.

Москва шаҳрининг бош архитектори ўртоқ Ловейко йиғилишда сўзга чиқиб айтдики, архитекторларнинг кўпчилиги партия Марказий Комитетининг архитекторлар ижодий ишидаги хатолар тўғрисида қилган қаттиқ танқидини тўғри тушуниб олдилар. У, архитектура-планлаш бошқармаси Москвада қуриладиган иморатлар учун ишланган 800 дан кўпроқ проектни қайтадан кўриб чиққанлигини айтди. Ортиқча ҳашамлар тугатилганлиги ва уй-жой биноларида сахнлардан тағин ҳам рационалроқ фойдаланиш натижасида бу иморатларни қуришга сарфланадиган маблағ 230 миллион сўм миқдорида камайтирилди.

Йиғилишда идеология ишларини яхшилашга катта а'тибор берилди. СССР Фанлар академияси Философия институтининг директори ўртоқ Федосеев, 494-нчи мактаб ўқитучиси ўртоқ Федорова, КПСС Свердлов район партия комитетининг секретари ўртоқ Рябинин шу тўғрида гапириб ўтдилар.

Москва қаттиқ қотишмалар комбинатининг директори ўртоқ Соловьев партия ва комсомол маорифи системасида с'езд материаллари чуқур ўрганилаётганлиги тўғрисида гапирди. Корхона цехларида ва бўлимларида бу муҳим иш бошлаб юборилди. С'езд материаллари комбинатнинг амалий фаолияти блан, унинг янги бешйиллиқдаги вазифалари блан мустаҳкам равишда боғлаб тушунтирилмоқда.

Йиғилишда ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Давидов, Москва олий техника билим юртининг директори ўртоқ Прокошкин, «Динамо» заводи партия комитетининг секретари ўртоқ Краснов ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик блан резолюция қабул қилдилар. С'езд қарорлари блан қуроллланган Москва партия ташкилоти партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни янада яхшилашга эришади, ўзининг куч ва ғайратини КПСС XX с'ездининг материаларини кенг пропаганда қилишга, шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш, партия ҳаётининг ленинча нормаларига жуда қаттиқ риоя қилиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг берган кўрсатмаларини коммунистларга, комсомолларга ва партиясиз активларга тушунтиришга сарф қилади, дейилади резолюцияда.

Партия активлари йиғилиши партия Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Москва шаҳар партия ташкилоти мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитетининг содиқ таянчи бўлиб қолади.

Йиғилишда партия гимни «Интернационал» ғоят баланд руҳ блан ижро этилди. (ТАСС).

КПСС XX с'ездининг материаллари пропаганда қилинмоқда

Тошкентда КПСС XX с'ездининг материалларини пропаганда қилиш ишлари қизитилмоқда. Партия маорифининг мингдан ортиқ тўгарак ва сиёсий мактабларида бу тарихий ҳужжатларни чуқур ўрганишга киришилди. Пропагандистлар биринчи машғулотда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобат доклади юзасидан кириш суҳбатларини ўтказдилар. Шаҳар партия комитети катта завод ва фабрикаларда с'езд материалларини мустақил ўрганучилар учун консультацияларр ўтказмоқда.

8 район партия комитетининг ҳаммасида пропагандистларнинг методик кенгашлари ўтказилди. Шаҳар, район ва завод партия кутубхоналарида махсус виставкалар очилди. Тошкент тўқимачилик комбинатида ва шаҳарнинг бирқанча олий ўқув юртларида с'езд материаллари юзасидан назарий конференциялар тайёрланмоқда.

Тошкентнинг Октябрь ва Сталин районларидаги агитпунктларда кечқурунлари кўп киши тўпланмоқда. Юзлаб агитаторлар бўерда XX с'езднинг қарорлари ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Машинасозларнинг, темирйўлчиларнинг, тўқучиларнинг ва тикучиларнинг клубларида ва Маданият саройларида олтинчи бешйилликда мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг ажойиб перспективаларини акс эттиручи фотомонтажлар ва чиройли диаграммалар ясалган. (ЎзТАГ).

Дания элчихонасида қабул маросими

11 мартда Даниянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мэрк король Фредериқ IX нинг туғилган куни муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет ҳукуматининг таклифи блан келиб ҳозирги вақтда Москвада турган Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен, шунингдек у блан бирга келган Дания Маориф министри Ю. Бомхольт, Даниянинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Фавқулодда Элчиси ва Мухтор министри Р. Кьер, Дания Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Свеннингсен, Дания Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири С. А. Кристенсен, Дания Ташқи ишлар министрлигининг секретари Б. Ольсен, Дания Ташқи ишлар министрлиги экономика бўлимининг мас'ул ходими Х. Э. Транэ ва Дания журналистлари группаси бор эди.

Зиёфатда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Волков, СССР Министрлари В. Г. Бакаев, К. П. Горшенин, И. Г. Кабанов, Л. Р. Корниец, В. В. Мацкевич, Н. А. Михайлов, К. Д. Петухов, Совет Иттифоқи маршали С. С. Бирюзов, Армия Генерали И. А. Серов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги граждан ҳаво флоти Бош бошқармасининг бошлиғи С. Ф. Жаворонков, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосарлари А. А. Громико, В. С. Семенов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССРнинг Даниядаги Элчиси Н. В. Славин, совет маданият арбоблари, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссиясининг ижрочи секретари Г. Мюрдаль, Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқари бор эди.

Қабул маросими вақтида нутқлар сўзланди. Қабул маросими ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Қисқа сатрларда

* **Чиноз** район кутубхонасининг китоб фонди тобора бойимоқда. Яқинда кутубхона яна 2 минг 200 сўмлик турли бадиий-адабий китоблар сотиб олди. Кутубхона а'золарининг сони 543 кишига етди.

А. Тоғаев,
М. Устабоев.

* **Верхне-волинск** районидаги Свердлов номли колхозда 6 хонали правление идораси, ясли ва 800 бош сигир сиғадиган молхона бинолари қурилди. Ҳозир колхозда радиоузел ва электростанция қурилмоқда.

М. Шабаев,
Р. Галимов.

* **Ховос** районидаги Ворошилов номли колхоз қишлоғи тобора обод бўлмоқда. Колхоз ўтган йил мобайнида янги қурилишлар учун 200 минг сўмлан ортиқ маблаг сарфлади.

И. Кўлдошев.

* **Янгийўл** районидаги Жданов номли колхозда янги радиоузел қурилди. Колхоз а'золарининг уйларига 229 та радиоточка ўрнатилди. Радиоузел орқали турли темада лекциялар ўқилмоқда, пахта усталарининг тажрибалари оммалаштирилмоқда.

У. Умаров.

* **Қорасув** районидаги Калинин номли колхозда электр тегирмон қурилди. Тегирмон қар куни бирнеча юз килограмм ғалла ун қилиб бермоқда.

А. Имомназаров.

* **Бекободдаги** металлургия шаҳарчасида янги колхоз бозори очилди. Бозорга район колхозлари ва колхозчилар ҳархил сабзаватлар олиб келиб сотмоқдалар.

Т. Абдураимов.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

Индонезиянинг СССРдаги Мувақкат Ишлар Вакили Р. М. Дарманто жаноблари шу йил 16 ва 22 февральда СССР Ташқи ишлар министрлигига қуйидаги мазмунда нотолар топширди.

«Индонезия Республикасининг Ишлар вакили Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри Жаноб Олийларига ўз ҳурматини изҳор қилади ва Индонезия Республикаси Ташқи Ишлар Министрининг кўрсатмаларига биноан, Индонезия Республикаси блан Нидерландия Королькиги ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш мақсадида 1955 йил 10 декабрьдан бошлаб Женевада олиб борилган Голландия-Индонезия музокаралари 1956 йил 11 февральда натижасиз тамом бўлганлигини Жаноб Олийларига камол эҳтиром блан ма'лум қилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўз вакиллари орқали бу масалада Индонезиянинг низо'ли масалаларни тинч йўллар блан ҳал қилишга қаратилган интилишларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келганлигини э'тиборга олиб, Индонезия Республикасининг Ташқи Ишлар Министри Индонезия делегациясининг битимга келишга мумкин қадар куч ва ғайрат сарфлашига қарамай, мазкур музокараларнинг натижасиз бўлиб чиққанлиги тўғрисида Жаноб Олийларига хабар қилишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Индонезия Республикасининг Ишлар Вакили шу фурсатдан фойдаланиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри Жаноб Олийларига ўзининг ғоят юксак ҳурмат блан қараганлигини яна бир марта изҳор қилади.

Москва, 1956 йил 16 февраль».

«Индонезия Республикасининг Ишлар Вакили Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри Жаноб Олийларига ўз ҳурматини изҳор қилади ва Индонезия Республикаси Ташқи Ишлар Министрининг кўрсатмасига биноан, шунингдек ўзининг 1956 йил 16 февральдаги 1853-нчи сонли нотасига таяниб, Жаноб Олийларига қуйидагиларни камол эҳтиром блан ма'лум қилади.

Индонезия Республикаси ҳукумати умуман ўз миллий манфаатларини кўзлаб ва хусусан иқтисодий тараққиёт манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиб, 1956 йил 15 ва 21 февральда Нидерландия Королькиги блан ўзининг иттифоқчилик муносабатларини батамом узди ва бу блан у Иттифоқ Статутида кўрсатиб ўтилган молиявий ва иқтисодий битимлар блан анди ўзини асло боғлармаган деб билади.

Индонезия Республикасининг Ишлар Вакили шу фурсатдан фойдаланиб, Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри Жаноб Олийларига ўзининг ғоят юксак ҳурмат блан қараганлигини яна бир марта изҳор қилади.

Москва, 1956 йил 22 февраль».

СССР Ташқи ишлар министрининг Биринчи Ўринбосари В. В. Кузнецов шу йил 6 мартда Р. М. Дарманто жанобларини қабул қилиб, унга Совет ҳукуматининг жавоб нотасини топширди:

«Москва, 1956 йил 6 март.

Ишлар Вакили жаноблари,

Сизнинг 1956 йил 16 февральдаги 1853-нчи сонли ва 1956 йил 22 февральдаги 1855-нчи сонли нотоларингизни олганлигимни камол эҳтиром блан та'кидлайман, бу нотоларда Индонезия Республикаси Ҳукуматининг Нидерландия Королькиги блан иттифоқчилик муносабатларини узишга ва тегишли молиявий-иқтисодий битимларни бекор этишга қарор қилганлиги ва Индонезия Республикаси Ҳукумати умуман Индонезиянинг миллий манфаатларини ва хусусан иқтисодий тараққиёт манфаатларини кўзлаб шу тадбирларни кўрганлиги хабар қилинган.

Сиз, Ишлар Вакили Жаноблари шу нарсага ишонтиришга ижозат берингизки, Совет Ҳукумати Индонезия халқининг ўз мамлакатининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг миллий экономикасини янада ривожлантиришга қаратилган ҳисларига ва интилишларига қўшилади.

Ҳурмат блан

В.Молотов».

Совет кишилари якдиллик блан тинчликка интилмоқдалар

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг раиси Н. С. ТИХОНОВ блан суҳбат

СССР Олий Совети тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисида Қонун қабул қилган кунга 12 марта беш йил тўлади. Ма'лумки, бу Қонун проектини СССР Олий Совети муҳокамасига тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети тақдим этган эди. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети бунда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг тавсияномаларига амал қилди.

Тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун совет халқининг ва Совет ҳукуматининг тинчлик ишини ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганлигини яққол намойиш қилди.

Совет халқи ва СССР Ҳукумати тинчликка якдиллик блан интилмоқдалар. Уруш оловини ёқишдан манфаатдор бўлган ижтимоий группалар ёки кишилар Совет Иттифоқида йўқ. Совет кишиларининг ҳаммаси тинчликни сақлашни ва мустаҳкамлашни ёқламоқдалар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасидаги тинч қурилиш ишларимизни янада юксалтириш учун бизларга тинчлик керак; совет халқининг турмуш даражасини янада муттасил юксалтириб бориш учун бизларга тинчлик керак.

Совет кишилари ижтимоий системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисида Совет ҳукумати юргизаётган сиёсатни, зўр бериб қуроллланишни камайтиришга ва одамларни қўплаб қирадиган қуролни сўзсиз тақиқлашга қаратилган таклифларни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Биз термоядро қуролини синаб кўриш ниятида портлатишлар ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги таклифни тамомила ма'қуллаймиз.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча халқларни қуролсизланиш йўлида бутун дун'ёда кампания ўтказишга чақирди. Совет халқи бу чақириқни қизғин ма'қуллаб кутиб олди ва қурол-яроғларни камайтиришни ҳамда ядро қуролини тақиқлашни қат'ий равишда талаб қилмоқда. Апрель ойи бошларида Стокгольмда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қуролсизланиш ҳақидаги масалага бағишланган фавқулодда сессияси бўлади. Совет жамоатчилиги вакиллари бу сессияда ўз халқининг қуролсизланиш тўғрисида халқаро битимга эришишга қаттиқ бел боғлаганлигини айтиб берадилар.

СССРдаги тинчлик тарафдорлари бошқа мамлакатларнинг халқлари блан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамма чоралар блан ёрдам бермоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина Совет мамлакатида 700 га яқин четэл делегацияси қабул қилинди. Жумладан, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети 31 мамлакатдан 42 делегацияни қабул қилди. Биз келгусида ҳам чет мамлакатлар жамоатчилиги блан дўстона алоқаларни давом этдирамиз ва мустаҳкамлаймиз, чунки бундай алоқалар халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатишга ва халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бермоқда.

КПСС XX с'ездида қайд қилиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда урушлар фатал равишда муқаррар бир нарса эмас. Агар тинчликни ёқлаб чиқучи барча кучлар ҳуш'ёр ва сафарбар қилинган ҳолда турсалар, агар улар бирлашган фронт бўлиб ҳаракат қилсалар ва тинчликни сақлаш учун курашда куч-ғайратларини сусайтирмасалар, халқлар уруш чиқишининг олдини оладилар.

Совет кишилари — тинчлик учун курашучилар тинчликни ҳимоя қилиш, халқаро кескинликни янада юмшатиш, халқлар ўртасида дўстлик, қардошлик муносабатлари ўрнатиш йўлидаги ишларини янада кўпроқ активлаштирмоқдалар. Совет кишилари турли мамлакатлардаги барча тинчликсевар кишиларнинг вакиллари блан ҳамкорлик қилишга, зўр бериб қуроллланишнинг давом этдирилишини истамаётган, «совуқ муносабатлар уруши»нинг яна тикланишини истамаётган барча кишилар блан, уруш сиёсатига қарши чиқаётган ва барча мамлакатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини астойдил истаётган кишилар блан биргаликда тинчлик учун курашишга тайёрлирлар.

Ишчи клублари ва маданият саройларида техника пропагандасини яхшилайлик

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XX с'ези Директиваларидан руҳланган республикамиз саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, инженер ва техник ходимлари социалистик экономиканинг асоси—оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш, техника прогресси ва юқори меҳнат унумдорлиги учун курашни, социалистик мусобақани ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юбордилар. Илғор корхоналар ҳузуридаги ишчи клублари ва маданият саройлари эса ишлабчиқариш-техника пропагандасини янада кучайтирмоқдалар. Тошкент областида ҳам ишлабчиқариш-техника пропагандаси олиб боришда бой тажрибага эга бўлган клублар ва маданият саройлари бор. Улар оммавий-сиёсий ишларнинг турли воситаларидан фойдаланиб, янги техникани пропаганда қилмоқдалар, илғорлар тажрибасини оммалаштириб, ишлабчиқариш планларини тўла ва ошириб бажаришда корхонага актив ёрдам бермоқдалар.

Бу соҳада В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи ишчилар клубининг фаолияти диққатга сазовордир. Клубда ишлабчиқариш-техника пропагандаси олиб бориш ишига мутахассис инженер-техниклар ва ишлабчиқариш илғорлари кенг жалб қилинган. Бу ерда мусобақадош цехларнинг новаторлари кечаси, ёш ишчиларнинг тажрибали кекса ишчилар блан учрашувлари, фан ва техника янгликлари тўғрисида лекция, суҳбатлар тез-тез ўтказиб турилади.

И. В. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, «Красная заря» тикучилик фабрикаси ва Темирйўлчилар маданият саройлари ҳамда «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш» заводлари ва Чирчиқ электрохимия комбинатининг ишчи клубларида ҳам ишлабчиқариш-техника пропагандаси яхши йўлга қўйилган. Бу маданият ўчоқларида махсус техника фильмлари намойиш қилинмоқда ва шу фильмлар асосида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Лекин, саноат корхоналари ҳузуридаги ҳамма ишчи клублари ва маданият саройларида ҳам ишлабчиқариш-техника пропагандаси яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Ҳали областимизда корхона олдида турган вазифалар, цех ва бригадалардаги социалистик мусобақа, новаторлар тажрибасини оммалаштириш, техника прогресси учун кураш каби муҳим масалалар блан мутлақо қониқарсиз шуғулланаётган ишчи клублари оз эмас.

Саноат қурилиши материаллари ишчилари касаба союзи республика комитети, абразив заводи, аэропорт, Янгийўл қурилиш комитети ва «Мосбумдревстрой»нинг қурилиш-монтаж бошқармаси ҳузуридаги ишчи клубларида ўтган йил мобайнида ишлабчиқариш-техника пропагандаси юзасидан ҳеч қандай амалий тадбирлар ўтказилмади. Бу маданий муассасаларда ташкил қилинган иқтисодий, илмий ва техника билимларини тарқатучи комиссиялар мутлақо фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар. Шунингдек электростанциялар ва электр саноати ходимлари касаба союзи республика комитетининг маданий-оқартув муассасаларида ҳам ишлабчиқариш-техника темаларида лекция ва докладлар камдан-кам ўтказилмоқда. 1955 йил мобайнида 8 та клубнинг ҳаммасида бундай темаларда атиги 24 та лекция ўтказилган, холос. Бугина эмас, «Ўзбексельмаш», Янгийўл консерва ва вино заводлари ҳамда Фарҳод ГЭС ишчи клубларида ишлабчиқариш-техника пропагандасининг эскирб қолган формаси ҳали ҳам давом этиб келмоқда, корхонадаги социалистик мусобақа натижалари витрина ва стендларда қониқарсиз ёритилмоқда. Техника, ишлабчиқариш экономикаси, новаторларнинг иш тажрибаларига бағишланган темаларда лекция, суҳбатлар юзаки, кўпинча ишлабчиқариш манфаатлари, эшитучиларнинг мутахассисликлари ва қизиқишлари ҳисобга олинмаган ҳолда ўтказилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўпчилик касаба союз клубларида техника кабинети ва бурчаклари йўқ. Ҳатто, тўқимачилар маданият саройидек йирик маданий-оқартув муассасаси ҳам техника кабинети ва техника бурчагига эга эмас. Шунинг учун кўпчилик ишчи клубларида техника пропагандаси талаб қилинган даражада олиб борилмаётир.

Клуб ва маданият саройларидан ташқари касаба союз кутубхоналари ҳам техника адабиётларини кенг тарқатиш йўли блан ишчиларнинг ва инженер-техник ходимларнинг малакаларини оширишда анча ишларни қилишлари мумкин. Лекин, кўпчилик кутубхоналарда бу иш қониқарли ташкил қилинмаган. Экскаватор, «Под'ёмник» заводлари, 1-нчи пойафзал фабрикаси, Олмалиқдаги «Строитель» клуби ва бошқа кўпгина корхоналар ҳузуридаги касаба союз кутубхоналарида техника адабиётларини пропаганда қилишга етарли аҳамият берилмаётир, техникага, ишлабчиқаришга ва новаторлар иш тажрибасига оид адабиётлар юзасидан китобхонлар конференцияси камдан-кам ўтказилмоқда.

Бирқатор касаба союз кутубхоналарининг фондида оммавий мутахассисликка доир техника адабиётлари йўқ. Таштрам, «Горняк» совхози, Бекободдаги «Строитель» клуби кутубхоналари фондини техника адабиётлари ҳисобига бойитиш тўғрисида ҳеч ким қайғирмаётир.

Юқорида қайд этилган камчиликлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, маданий-оқартув муассасалари ва улардаги ишлабчиқариш-техника пропагандаси комиссияларининг фаолияти республика, фабрика-завод касаба союз комитетлари, клуб правленциелари ва кутубхона советларининг мажлисларида жуда кам муҳокама қилинади, ишдаги камчиликлар ўз вақтида очиб ташланмайди ва уларни узилкесил бартараф қилиш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар кўрсатилмайди.

Касаба союзларининг республика комитетлари ва маданий-оқартув муассасаларининг раҳбарлари областьдаги ишчи клублари ва маданият саройларида ишлабчиқариш-техника пропагандасини намунали йўлга қўйиш чораларини кўришлари керак. Бу ишга ишлабчиқариш новаторлари ва инженер-техник ходимларни кенг жалб қилиш лозим.

Шуни унитмаслик керакки, техника ва ишлабчиқаришга бағишланган кечалар, лекция ҳамда суҳбатлар ўтказилганда ишлабчиқаришнинг хусусияти, эшитучиларнинг қизиқиш ва корхона коллективи олдида турган конкрет вазифалар тўла ҳисобга олиниши керак. Ма'лумки, қуювчини қизиқтирган тема слесарьни қизиқтирмаслиги, токарьни қизиқтирган тема фрезеровщикни камроқ қизиқтириши мумкин. Шунинг учун ҳам, ҳозир кўп жойларда қилинаётганидек, ҳамма учун бирхил темада лекция, суҳбат ёки кеча ўтказмай, бир хилдаги касб эгаларининг ма'лум бир группаси учун лекция ва суҳбатларни алоҳида ўтказиш фойдалироқдир. Касаба союз ташкилотлари ва кутубхона ходимлари корхона ишлабчиқаришининг профилига қараб китоб фондини техника адабиётлари блан бойитиб боришлари, мутахассисликка қараб техника адабиётларининг тавсия рўйхатларини тузишлари, техникага ва новаторларнинг тажрибасига оид китоблар юзасидан тез-тез китобхонлар конференцияси ўтказиб туришлари лозим.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш керакки, маданий-оқартув муассасаларида ўтказиладиган оммавий-сиёсий тадбирлар ишчи ва хизматчиларни коммунизм ғалабасига ишонч, Коммунистик партияга чексиз муҳаббат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, меҳнат ва давлат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш, революцион ҳуш'ёрлик руҳида тарбиялаш вазифасига бўйсундирилиши керак. Бунда КПСС XX с'езди материаллари кенг пропаганда қилиш ва меҳнаткашларни партиямиз томонидан қўйилган буюк тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар қилишга алоҳида а'тибор бериш зарур.

С. ШАПИРО,
Ўзбекистон касаба союзлари совети маданий-маиший бўлимининг бош инструктори.

БМТнинг Европа учун тузилган иқтисодий комиссияси ижрочи секретари Г. Мюрдаль жаноблари ҳузурида матбуот конференцияси

БМТнинг Европа учун тузилган Иқтисодий Комиссиясининг расмий визит блан Москвага келган Ижрочи Секретари Г. Мюрдаль жаноблари совет ва четэл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди. Мюрдаль жаноблари Европа Иқтисодий Комиссиясининг ишига доир масалалар тўғрисида, жумладан, Комиссиянинг XI сессияси ўтлажаги муносабати блан Совет Ҳукуматининг вакиллари блан музокаралар олиб бориш учун 5 мартда Москвага келган эди.

Мюрдаль жаноблари Москвада бўлган вақтида СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов блан ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян блан суҳбат қилди. У СССР Ташқи Савдо Министри И. Г. Кабанов блан, Иқтисодий Алоқа Бош Бошқармаси Бошлиғи К. И. Коваль блан, Госплан Раисининг Биринчи Ўринбосари Д. Г. Жимерин блан, Соғлиқни Сақлаш Министрининг Ўринбосари В. М. Жданов блан, шунингдек СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг, СССР Ташқи Савдо Министрлигининг ва СССР Давлат Банкининг мас'ул ходимлари блан ҳам учрашди.

Сўнгра Мюрдаль жаноблари Иқтисодий Ўзаро ёрдам Кенгашининг Секретари А. А. Павлов блан ва унинг маслаҳатчилари блан ҳам суҳбат қилди.

Мюрдаль жаноблари Комиссиянинг ишига доир илмий аспектларни етакчи совет экономистлари блан, жумладан СССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси ва Академияга қарашли Экономика институтининг Директори профессор Дьяченко блан муҳокама қилди. У СССР Фанлар академиясининг бош илмий Секретари академик А. В. Топчиев блан ҳам учрашди.

Матбуот конференциясида Мюрдаль жаноблари БМТнинг Европа учун тузилган Иқтисодий Комиссиясининг ва унга қарашли техника комитетларининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди. У уқтириб ўтдики, Комиссиянинг 5 апрельда Женевада очиладиган XI сессияси Европа мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш учун айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Комиссиянинг ва унга қарашли техника комитетларининг фаолиятини муҳокама қилиш блан бир қаторда кун тартибига учта қўшимча масала, чунончи айрим комитетларнинг иш доирасига кирмайдиган: Европадаги сувларнинг ифлосланиши ҳақидаги, Европада туризмни ривожлантириш тўғрисидаги, Европанинг энергетика ресурслари ҳақидаги масалалар киритилади. Мюрдаль жаноблари Европадаги мамлакатларнинг ҳукуматлари сессия муҳокамасига бирқанча бошқа масалаларни киритсалар керак деб кутганлигини айтди. У, халқаро вазият яхшиланганлиги муносабати блан Европанинг Ғарб ва Шарқ қисмлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар пайдо бўлганлигини қайд қилиб ўтди.

Мюрдаль жаноблари мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, ўз сўзининг охирида, Комиссия а'зоси бўлган мамлакатларнинг қарашлари турлича бўлишига қарамай, Комиссиянинг иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти кейинги вақтда кенгайди ва бирқанча конкрет муваффақиятларга эришилди, деб уқтириб ўтди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ишчи ва хизматчилар учун дамолиш кунлари олдидан ва байрамолди кунларида қисқартирилган иш кунига ўтиш муносабати блан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети савдо ва умумий овқатланиш муассасаларининг иш тартибини тасдиқлади:

1. Саноат моллари магазинлари душанба куни дамоладиган ходимларининг иш вақти шанба эмас, якшанба куни икки соат қисқаради.

Индивидуал тикучилик ателъеларида уларнинг ўзлари учун белгиланган дамолиш куни олдидан иш вақти 2 соат қисқаради. Индивидуал тикучилик ателъелари учун шанба, якшанба ва душанба кунларидан ташқари ҳафтанинг истаган куни дамолиш куни қилиб белгиланади.

2. Умум дамолиш куни (якшанба) ишламайиган озиқ-овқат магазинларида иш вақти шанба эмас, душанба куни икки соат қисқаради.

3. Фабрика, завод, ўқув юртлари, муассасалар ва бошқа ташкилотлар ҳузуридаги умумий овқатланиш корхоналарида дамолиш куни олдидан ва байрамолди кунларида шу муассасаларга ва ташкилотларга уларнинг хизмат қилиши икки соат олдин тўхтатилади.

4. Ресторанларда, шаҳар ошхоналарида, кафе, закускахоналар ва чайнааяларда иш вақти душанба куни икки соат қисқаради.

5. Савдо, озиқ-овқат магазинларида ва темир йўл, сув ва ҳаво транспортларидаги умум овқатланиш муассасаларида дамолиш кунлари олдидан иш соатлари ўзгармайди балки бу муассасаларнинг хизматчилари учун ишга чиқиш графикларида иш кунининг қисқариши кўрсатилади.

6. База, склад, ишлабчиқариш, транспорт ва бошқа муассасаларнинг ходимлари учун, шунингдек савдо бўлимлари, трестлар ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари учун олти соатлик иш куни шанбага белгиланади.

7. Байрамолди кунларида (30 апрель, 6 ноябрь, 4 декабрь, 31 декабрьда):

а) саноат моллари, озиқ-овқат моллари магазинларида ва ателъеларда иш куни қисқармайди, балки байрамдан кейинги кунларда одатдагидан икки соат кеч бошланади.

б) фабрика, завод, ўқув юртлари, муассаса ва бошқа ташкилотлар ҳузуридаги умум овқатланиш корхоналарида, шунингдек закускахона ва чайнааяларда иш куни икки соатга қисқаради;

в) ресторанларда, шаҳар ошхоналарида, кафеларда иш куни одатдагидан икки соат кеч бошланади;

г) темир йўл, сув ва ҳаво транспорти пассажирларга хизмат қилучи умум овқатланиш корхоналарида иш соати ўзгармайди, балки бу корхоналарнинг ходимлари учун иш кунининг қисқариши ишга чиқиш графикларида кўрсатилади.

д) база, склад ва бошқа корхоналарда, шунингдек муассасаларда иш икки соат қисқаради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетларига қисқартирилган иш куни вақтида савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг иш тартибини қишлоқ жойларидаги маҳаллий шароитга мослаб белгилашларини юклаги.

Мактаб биноларининг типовой проектлари учун конкурс

СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари давлат комитети блан СССР Архитекторлар союзи умумий ма'лумот берадиган ўрта мактаблар биноларининг типовой проектларини тайёрлаб бериш учун очиқ бутунттифоқ конкурси э'лон қилдилар.

Конкурс мактаб биноларининг тўртта типи бўйича — иқлим шароитлари хилмахил бўлган районларда қуриш учун 920 ва 520 бола ўқийдиган биноларга алоҳида-алоҳида равишда ўтказилади.

Биноларнинг хоналари қулай планировка қилинган бўлиши лозим. Кабинетлар, лабораториялар ва политехника та'лими учун мастерскойлар қуриш кўзда тутилиши зарур.

Проектларда заводда тайёрланган конструкциялардан ва детальлардан ҳамда янги эффектив материаллардан ҳартомонлама фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

Материаллар конкурсга шу йил 30 майгача топширилади (ТАСС).

Кино хизмати яхшиланмоқда

Верхне-волинск район маданият бўлими аҳолига кино хизматини тобора яхшиламоқда. Райондаги 13 колхоз ўз киноустановкасига эга. Бундан ташқари районда 4 та кўчма кино установка ҳам колхоз а'золари учун намунали хизмат қилмоқда. Райондаги Максим Горький номли, Куйбишев номли ва Ленин номли колхозларда кўрсатилган «Бой ила хизматчи», «Улар тоғдан келдилар», «Сўна», «Дайди» каби кинофильмларни тамошабинлар зўр қизиқиш блан кўрмоқдалар.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

Агрозоотехника курсида

Октябрь районидаги Сталин номли колхознинг а'золари чигитни янги, прогрессив усулда экишни янада мукаммалроқ ўрганиш мақсадида агрозоотехника курсида ўқимоқдалар. Колхозда ташкил қилинган агрозоотехника курсига, ҳозир 32 киши мунтазам қатнашаётир. Улар орасида бригада ва звено бошлиқлари ҳамда тажрибали пахта усталари бор.

Ҳозир улар квадрат-уялаб чигит экиш йўлини назарий жиҳатдан ўрганмоқдалар. Улар бу билимларини практикада мустаҳкамлаш мақсадида далада амалий машғулот ҳам ўтказадилар.

Чигит экишга ҳартарафлама пухта тайёрланиш— шу куннинг энг муҳим вазифасидир

Мирзачўл районидаги 1-нчи МТСда агрономлар, бригада бошлиқлари ҳамда сеялкачиларнинг чигитни квадрат-уялаб экиш юзасидан ўнкунлик семинари бўлиб ўтди. **Суратда:** семинар қатнашчилари тажриба машғулотида. Машғулотни участка механиги ўртоқ **В. Торбин** олиб бормоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

☆ ☆ ☆

Оққўрғон районида кўклам экишига тайёргарлик қониқарсиз аҳволда

Барча техникани ремонт қилиб, кўклам экишига тайёрлаш учун белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетди. Шунга қарамай Оққўрғон районидаги 2-нчи МТСда чопиқ тракторлари, сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ремонти ҳамон тугамаган, ишнинг сур'ати жуда паст.

МТС дирекцияси, бошлангич партия ташкилоти техникани дала ишларига тайёрлашда ҳамон юзакичилик қилаётирлар. Тракторчилар ремонт ишига тўла жалб этилмаган, улар уй-жой блан та'минланмаган, маданий-маиший шароит яхши йўлга қўйилмаган. Шунинг учун 50 процентга яқин тракторчи бирнеча километр йўл босиб қатнаб ишламоқда. Натижада трактор, қишлоқ хўжадик асбоблари ремонти ғоят кечиктириб юборилмоқда.

Бу йил МТС зонасидаги колхозлар 2231 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экади. Бунинг учун чопиқ тракторлари, сеялкаларни қайта ускуналаш керак. Лекин 115 «универсал»дан энди 61 таси ремонт қилинган, 36 «универсал»дан 27 таси янги схемага мослаштирилган. 50 — 50 схемага мослаштириладиган 9 та тракторга ҳали қўл текизилмаган.

Қишлоқ хўжалик асбобларини дала ишларига тайёрлаш ҳам тугалланмаган. 59 культиватор — чизель, 30 дан ортиқ сеялка, борона ва ОДНлар ҳали ремонт қилинмаган. МТС бош инженери ўртоқ Коваленко «бор тракторларга етарли асбоблар ремонт қилинди» деб хотиржам юрипти. МТСнинг 15 трактор бригадасидан энди 2 таси ремонтни тамомлаган.

Трактор ва тирков асбоблари ремонти сифатига ҳам э'тибор берилмаётир. Ба'зи ремонт қилинган тракторлар кўнгина камчиликлари бўлса ҳам қабул қилинмоқда. Алиқулов, Абдурахмонов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг ремонт қилган «универсал» ва ДТ — 54 трактор текширилганда, анча жиддий камчиликлари борлиги аниқланди.

Чигитни квадрат-уялаб экишнинг мураффақияти техникани биладиган кадрларга боғлиқ. Аммо МТС ва колхоз раҳбарлари кадрлар тайёрлашга ўтакетган даражада бепарво қараётирлар. Шунинг учун 217 киши ўрнига фақат 184 киши агрегатларда ишлашга ўргатилди. Калинин номли колхоз правлениеси 4 агрегат учун 20 киши ўрнига 10 киши юборган, холос. Охунбобоев номли колхоз ҳам 6 агрегат ўрнига 3 агрегат учун киши тайинлаган. Ленин номли колхоздан юборилган кишиларнинг кўпчилиги назарий машғулотга 1 — 2 кунгина қатнашиб кейин келмай қўйганлар. Тракторчиларни ўқитиш расмият учунгина ўтказилган. Ҳали улардан имтиҳон олингани йўқ. Бу ҳол чигитни квадрат-уялаб экишнинг тўғри ўтказилишини жиддий хавф остида қолдираётир.

Чигит экишга саноқли кунлар қолди, унгача анча ишлар қилиниши керак. 2-нчи МТС зонасидаги колхозларнинг ўзида ҳали 1077 гектар ер ҳайдалган эмас. 1-нчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам аҳвол шундай.

Шундай қилиб, Оққўрғон районида кўклам экишига тайёргарлик ишлари мутлақо қониқарсиз бораётир. Район партия комитети, район ижроия комитети, МТСларнинг раҳбарлари ва колхоз раислари Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг «Оққўрғон район партия комитетининг районлаги МТСларда, колхоз ва совхозларда кўкламги экишга тайёргарлик кўришларига қониқарсиз раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида» деб чиқарган қароридан тегишли хулоса чиқармадилар. Қарор муҳокама қилинди, камчиликларни тугатамиз деб ва'да берилди-ю аммо амалий иш кам бўлмоқда.

Район кенгашида ариқларни тозалаш 10 кун мобайнида тамомланиши, бунинг учун ҳар куни 3200 киши ишлаши керак деб кўрсатилган эди. Қарор қабул қилинди-ю, бажарилмади. Масалан, 3 мартда ариқ тозалашда 181 киши ишлаб, 158 метр ариқ тозаланди, холос. 4 — 5 март кунлари ҳам иш шундай бўлди. Шамалак ариғини тозалаш (Каганович номли колхозга тегишли) юзасидан берилган топшириқ энди 33 процент бажарилди.

Район колхозларида қиш фаслида кўп миқдорда маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни далага чиқариб қўйиш мумкин эди. Бироқ, бошқа тайёргарлик ишлари сингари бу иш ҳам секин давом этаётир. Ҳозиргача 49.110 тонна ўрнига фақат 15.827 тонна маҳаллий ўғит тайёрланган. Навоий номли, Ленин номли, Калинин номли колхозларда маҳаллий ўғит тайёрлаш юзасидан берилган топшириқ айниқса ёмон бажарилаётир.

Оққўрғон райони ҳамма имконият бўлишига қарамай, 1955 йилда давлат пахта тайёрлаш планини бажармади. Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари бундан жиддий хулоса чиқаришлари керак эди, шунга қарамай бу йил ҳам кўклам экишига тайёргарлик кўришни пухта уюштирмаётирлар. Вақт кутиб турмайди. Район партия комитетининг секретари Усмонов, район ижроия комитетининг раиси Иброҳимов ўртоқлар, МТС ва колхозларнинг раҳбарлари хотиржамлик кайфиятига қаттиқ зарба бериб, бутун куч ва имкониятни кўкламга тайёргарлик ишларини тезда тугаллашга сафарбар этишлари зарур. КПСС XX с'езди Директивларида пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан қўйилган улуғвор вазифалар ана шуни талаб этади.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бўка районидаги 1-нчи МТСда экишга пухта тайёрланилмаётир

Кўклам экиш кампаниясига пухта тайёрланмай туриб, чигит экишни қисқа фурсатда ва сифатли ўтказиб бўлмайди. Аммо Бўка районидаги 1-нчи МТСда мана шу ҳақиқатга тўғри тушунилмаётир. МТС директори Живодёров, партия ташкилотининг секретари Эшбўтаев ўртоқлар қишки ремонт ишларини яхши уюштирмаганликлари учун бу иш шу кунларгача кечиктириб юборилди. Натижада 10 та НАТИ тракторидан 6 таси, 68 «универсал»дан 40 таси, 78 сеялкадан 58 таси ремонт қилинди, холос. Шунингдек, культиваторларни, плуг ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ишлари ҳам чидаб бўлмас даражада кечиктирилмоқда.

Шу нарса ачинарлики, колхозларга ер ҳайдаш учун юборилган тракторлар ремонти сифатсиз ўтказилганлиги сабабли, улар кўп вақт бузилиб қолмоқда. Натижада ер ҳайдаш графики МТС зонасидаги колхозларда сурункасига бажарилмаётир.

Колхозларда, «ишлаб турипти», деб айтилаётган тракторлар нормадаги 80—90 гектар ўрнига 15 — 20 гектар ерни ҳайдамоқда. «XIX партс'езд» колхозида ишлаётган трактор бригадасининг иши ана шундай қониқарсиз аҳволда. Колхоз ўтган йили 940 гектар ернинг 50 процентинигина шудгор қилиб олган эди. МТС механизаторлари қолган ерларни эрта баҳорда сифатли ҳайдаб бериш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олган эдилар. Мана, ҳозир, шу мажбуриятни бажариш вақти ўтиб кетаётган бўлса ҳам, тракторларнинг иш сур'ати жуда паст. Колхоздаги Т. Илья бошлиқ трактор бригадасининг а'золари яхши ишламаётирлар.

Райондаги Сталин номли, «Ленинобод», Охунбобоев номли, Вильямс номли колхозларда ҳам ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди.

МТС раҳбарлари ҳозирги ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланиб, ер ҳайдаш ишларини кучайтириб юборишлари, тракторларнинг тўхтовсиз ва унумли ишлаши учун трактор бригадаларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Аммо МТС дирекцияси кўчма устахоналар ташкил қилмаган. Натижада тракторнинг ба'зибир қисми бузилиб қолса, уни тузатиш учун узоқ йўл босиб МТСга келишга мажбур бўлинаётир.

МТС директори Живодёров, партия ташкилотининг секретари Эшбўтаев ўртоқлар колхозлар блан тузилган шартномадаги ўз бурчларини бажаришга ҳаракат қилишлари зарур. Шунда МТС зонасидаги колхозлар пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўладилар.

А. АШУРОВ.

Механизаторлар аҳди

Пискент районидаги Молотов номли колхозда хизмат қилаётган механизаторлар ўтган йили колхозда пахтадан мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар бу йил ҳам пахтакорлар блан ҳамкорликда ишлаб, юқори ҳосил олиш учун курашаётирлар.

Партиямиз XX с'езди қарорларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаётган пахтакорлар ва механизаторлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир барча ҳайдов ва чопиқ тракторлари сифатли ремонтдан чиқарилиб, колхозга келтириб қўйилди.

Илғор универсалчилардан Жўраев, Ҳолиқулов ва Алматов ўртоқлар мавсумда 150—180 гектар ерга чигит экиб бериш, 1100—1200 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

Механизаторлар трактор ишлари сифатини яхшилаб, колхозда ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришда пахтакорлар блан биргаликда ҳормай-толмай меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

С. ЗИЕХУЖАЕВ.

Ватанпарвар темирчи

Октябрь районидаги Охунбобоев номли колхозда уста Султонотани «қўли гул» киши деб атайдилар. Унинг номини фақат Охунбобоев номли колхоздагина эмас, балки Каганович номли, Калинин номли, Хрушчев номли колхозларнинг а'золари ҳам фахр блан тилга оладилар.

Уста Султонота ўғли Арслонни ва колхозчи йигит ўртоқ Қ. Алиҳўжуновни тажрибали темирчи қилиб етиштирди. Султонота ўз шогирдлари ва уста Хайдарали Орипов блан биргаликда колхоздаги барча қишлоқ хўжалик асбобларини 20 февральгача тўла ремонтдан чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, 41 культиватор, 25 сеялка, 36 борона, шунингдек 150 га яқин бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда асбобларини ремонтдан тўла ва сифатли чиқариб қўйдилар.

Д. СОДИҚОВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Мевазорларни кенгайтирайлик

Кейинги йилларда кўпгина колхоз ва совхозларимиз мевачиликни ривожлантиришда катта ишлар қилдилар — мевазорлар майдони кенгайди, уларнинг ҳосилдорлиги ошди. Бироқ халқ хўжалиги ва аҳолининг мева-резаворга кун сайин ўсаётган талабига тўла жавоб бериш учун боғ ва токзорларни янада кенгайтиришимиз ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишимиз керак. Шунга ҳам э'тибор бериш зарурки, биз областимиз аҳолисининг мевага бўлган эҳтиёжини та'мин этиш блан бирга мамлакатимизнинг марказий шаҳарлари ва саноат маркази аҳолиси учун ҳам кўплаб мева юбориб туришимиз керак.

Областимизнинг табиий шароити ва халқимизнинг мевачилик соҳасидаги кўпйиллик тажрибаси, ниҳоят ҳозирги замон фанининг ютуқлари боғдорчиликни мисли кўрилмаган даражада ривожлантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхоз ва совхозларида беш йил ичида мевазорлар майдонини 35.000 гектарга кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилганлар. Шу қарорга биноан областимиз колхоз ва совхозларида ҳам боғ ва токзорлар кенгайтирилиши керак. Бунинг учун яқин йиллар ичида совуқдан зарарланган боғларни тиклашимиз, шу блан бирга янги боғлар барпо этишимиз, боғдорчиликка илғор агротехникани тўла жорий этишимиз, сермеҳнат ишларни кенг миқ'ёсда механизациялаштиришимиз зарур. Бу соҳада колхоз ва совхозларимизда айниқса кўп иш қилиниши лозим. Чунки Тошкент области мевачилик соҳасида фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда биринчи ўринда туради. Кўпгина колхозларда катта-катта боғлар бўлиши блан бирга мевачилик совхозларининг энг кўпи ҳам бизнинг областьда жойлашган. Колхоз, совхозларимиз ички исте'молдан ташқари мамлакатимизнинг бошқа районларига ҳам кўп миқдорда янги, қуритилган ва консервалаштирилган меваларни юбориб турадилар.

Колхоз, совхозларимиз боғларда мўл ҳосил етиштиришда ҳам анча тажриба тўпларганлар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 1954 йилда 300 гектар боғ майдонининг ҳар гектаридан 100 центнердан, Юқоричирчиқ районидаги «Қорақалпоқ» совхозида 275 гектар боғнинг ҳар гектаридан 300 центнердан ҳосил олинди.

Бироқ 1954 йил кеч кузидаги қаттиқ совуқлар кўпгина боғлардаги дарахтларни уриб кетди. Биз янги боғларни барпо этиш блан бирга совуқдан зарарланган боғларни ҳам тезда тиклашимиз ва шу муносабат блан боғ хўжалигини қайта қуриб олишимиз керак.

Янги боғлар барпо этишда ва эски боғларни қайта қуришда, албатта ҳозирги замон агротехникаси ва механизация талабларини э'тиборга олиш зарур. Жумладан янги боғларни 25—30 гектарли яхлит ерларда барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Боғларни қайта қуришда 3—5—10 гектарли боғларни ёнига қўшиш ва улаш йўли блан кенгайтириш лозим.

Боғ ташкил этишда ер ва ўтқазиладиган мева хилларини танлаш ва уларнинг ўзаро қандай нисбатда бўлишига алоҳида э'тибор бериш талаб этилади. Чунки боғлар баҳордан кузгача суринкасига ҳосил бериб туриши керак.

Боғ учун танланган ер иложи борича текис ва суғориш учун ўнғай бўлиши лозим. Бу ерларда сизот сувлари жуда кўтарилган пайтларда камида ер бетидан 2 метр пастда турсин. Мирзачўл районларида шундай шўрхок ерлар борки, уларда ғўза ўстириш мумкин бўлмайди. Бундай ерларда боғ ҳам ташкил қилиш мумкин эмас. Шунинг учун боғ ташкил этишда ерларни ғўза ўстириш мумкинлиги жиҳатидан кўздан кечириб танлаш керак. Бироқ шундай ерлар ҳам борки, уларнинг шўрини ювиб тозалаш, бу ерларга ҳам мевали дарахт ўтқазиш мумкин.

Областимизнинг тоғ олди ва тоғ ораларидаги пастликларида — сойларда ҳам мева боғлари барпо этса бўлади. Бунда қиш даврида нам тўплаш, шу блан бирга баҳор ва ёз даврларида бир-икки марта суғориш иложи бўлган ерлар танланиши керак.

Шундай қилиб, боғ учун ер танлаш иши жуда мас'улиятли бўлиб, колхоз правлениелари бу масалани активлар, агрономия ходимлари блан бамаслаҳат ҳал этишлари лозим.

Ерни кўчат ўтқазишга тайёрлаш, дарахтларни парвариш қилишда ва уларни ҳосилга киритишда мичуринча агробиология фани қоидаларига ва илғорлар тажрибасига тўла амал қилиш керак. Ма'лумки, дарахтларнинг ҳосилга кириши, уларнинг кейинчалик ҳосил бериши кўп жиҳатдан янги боғларни барпо этиш ҳамда унинг дастлабки даврда парвариш қилинишига боғлиқ.

Боғ учун ажратилган ер яхшилаб текисланиши ва плантаж плуг блан 50—70 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши лозим. Ер кўчат ўтқазишдан бирмунча вақт олдин ҳайдалиб қўйилиши зарур. Шунда тупроқ яхши ўтиришади ва кўчатлар ўтқазилгандан кейин силжиб илдизларни шикастламайди.

Кўчатлар муайян оралиқлар блан ўтқазилади. Бунда мева турлари блан бирга қатор оралари кўп даражада машиналар блан ишлаш имконияти э'тиборга олинади. Тажриба ва илмий-текшириш натижалари турли хил мева кўчатлари, масалан, олмаларни 10X10 метр, ноклари 10X8 ёки 8X8 метр, олхўриларни 6X6 метр, анжирларни 5X4 метр ва ҳоказо схемаларда ўтқазиш зарурлигини кўрсатди. 10X10 метр схемасида ўтқазилган кўчатлар дастлабки йилларда ўзлари учун ажратилган озиқланиш майдонидан тўла фойдаланаолмайдилар. Шунинг учун уларнинг қатор оралариға тез етиладиган, лекин узоқ умр кўрмайдиган мевалар, масалан шафтоли, олхўри, олча кўчатлари ўтқазиш тавсия этилади. Асосий дарахтлар вояга етгунча қатор оралариға чопиқ қилинадиган экинлар: сабзавот, беда, чигит экиш ҳам мумкин. Бедани 2—3 йил ўстириш мумкин, лекин чопиқ қилинадиган экинлар шундай бўлиши керакки, улар фақат августнинг охири ва сентябрь ойининг дастлабки кунларигача суғориладиган бўлсин.

Кўчат ўтқазиладиган чуқурларни қазиш кўп меҳнат талаб этади. Шунинг учун бу иш механизациялаштирилиши лозим. Бунда канавокопательлардан фойдаланиб, улар блан 50 сантиметр чуқурликда ариқлар қазилади. Боғ ери режаланганган кейин агар канавокопатель ишга туширидса 10 соатда 25 гектар ерда 10 метр оралик блан бирнечта ариқ қазилиши мумкин бўлади.

Кўчат ўтқазиладиган чуқурларга 10 — 15 килограмм миқдорида органик-минераль ўғит солиниши, бу миқдор ўғитда камида 1,5 килограмм суперфосфат бўлиши лозим. Ўғит бел-кетмон блан аралаштириб албатта тупроққа қориштирилади.

Агар кўчат ўтқазишда чуқур шундай ўғитланса, боғни 2—3 йил ўғитламаслик ҳам мумкин. Кейин то 5 йилгача ҳар бир дарахтга 150—200 граммдан селитра берилса бас.

Кўчатни ўтқазишдан олдин унинг синган-шикастланган илдизлари, шунингдек илдизнинг 40 сантиметрдан ортиқ қисми кесиб ташланади. Кўчат ўтқазилганда унинг илдиз бўғизлари ер сатҳидан бирмунча баландроқ туриши шарт. Кўчат ўтқазилгандан кейин навдаларнинг тўрт ва учдан бир қисми кесилиб қисқартирилади. Кузда ўтқазилган кўчат навдалари ҳам баҳорда кесилади.

Кўчатни мева хили ва сортига қараб ўтқазиш керак. Эски боғларнинг кўпида бирхил мева дарахтлари ўстирилади. Бу ҳол мевани йиғиб-териб ва сотишда анча кийинчиликларга сабаб бўлади. Янги боғларда ҳархил мева ва сортлар бўлиши лозим. Шунда ҳосил олдинма-кейин етилади. Бошқача қилиб айтганда апрель ойи охиридан то октябрьнинг ўрталаригача меваларнинг кетма-кет етишиб туради, агар мева усталик блан сақланса то келгуси йил янги ҳосили етилгунча аҳолини мева блан та'минлаш мумкин бўлади.

Бундай боғларда қулупнай блан биргаликда олча, гилос, ўрик, шафтоли, олхўри, олма, нок, беҳи, анор, анжир, ёнғоқлар бўлиши лозим.

Тезпишар резаворлар, шафтоли, олча, гилос, ва бошқаларга, шунингдек хаҳ секлекцияси ва илмий-текшириш муассасалари чиқарган тезпишар, совуққа чидамли, серҳосил мева ўсимликларни ўтқазишга кўпроқ аҳамият бериш керак. Лекин мева турлари ва сортларини танлашда умумий андоза блан иш қилиш ярамайди, балки маҳаллий табиий-иқтисодий шароитни ҳисобга олиш, шу район учун белгиланган тур, сортларни танлаш лозим. Бунинг учун ҳарбир боғ учун бир, икки асосий нав'лар танланади. Областимиз боғлари учун асосий тур сифатида олма танланиши блан бирга резаворлар, нок, олхўри, олча, гилосларга ҳам э'тибор берилиши лозим.

Областимиз давлат кўчатзорларида етиштирилган кўчатлар тур ва сорт жиҳатидан жуда чекланган. Олхўри, гилос, олча, беҳи, нок кўчатлари кам етиштирилади. Бундай практикага хотима бериш керак. Питомниклар тасдиқланган пландаги кўчатларни етиштириб берсин.

Боғ барпо этиш блан бирга тез ўсадиган ва баланд бўйли ўсимликлардан иборат шомолтўсар ва иҳота дарахтзорлари — чакалаклари ҳам барпо этиш зарур. Бунда 10 гектар боғ ҳисобига бир гектарга иҳота дарахтлари ўтқазилади. Иҳота дарахтзорларига терак, тол, акация, қайрағоч, шумтол ва бошқалар ўтқазилади.

Боғлардан мўл ҳосил олиш учун, ўсимлик касаллик ва зараркунандаларга қарши кескин кураш олиб бормоқ керак. Кўпинча олма қурти ва бошқа зараркунандалар меваларнинг хомлигида тўкилиб кетишига, ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Илғор колхоз ва совхозлар ҳамда илмий муассасалар ҳозирги вақтда зараркунанда ва касалликларга қарши кураш методлари ва воситаларини ишлаб чиққанлар. Ана шу воситалардан тўла фойдаланайлик!

Областимиз тоғлиқ районларида боғдорчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Ма'лумки, океан сатҳидан 1000—1400 метр баландликдаги тоғ сойликларида ўстирилган мева дарахтлари муттасил мўл ҳосил беради. Тоғ шароитида мева дарахтларининг куртаклари, гуллари ва ҳатто меваларини уриб кетадиган кўклами қорасовуқлар камдан-кам бўлади. Шунинг учун тоғли зонада деярли ҳар йили боғлардан мўл ҳосил олиш мумкин.

Тоғлик районларда сугориладиган боғлар блан бирга сугорилмайдиган (қайроқи) боғлар барпо этиш ҳам фойдалидир. Йиллик ёғин миқдори 700 миллиметр бўлган тоғ районларида дарахтларни яхши парвариш қилиш йўли блан суғормасдан ўстирса ҳам бўлади. Р. Шредер номидаги мева—резаворчилик институти ва ўрмончилик институтининг тажрибалари тоғ районларида қайроқи боғларда мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини кўрсатаётир.

Боғдорчилик кадрлари тайёрлаш ва уларни тарбиялаш ишларига катта аҳамият бериш зарур. Шунинг учун районлар, МТСлар, доимий бог бригадалари, звеноларни бошлиқлари тайёрлаш, уларни тарбиялашга, ўстиришга алоҳида э'тибор бериш катта аҳамиятга эга. Шунга эришмоқ керакки, институтларнинг мевачилик факультетларини, техникумларни, боғдорчилик мактабларини битирган кишилар фақат колхоз, совхозларнинг боғларида ишласинлар. Бундан ташқари областьларда, йирик мевачилик районларида қисқа муддатли курслар ташкил этилиши лозим. Боғи бўлган колхозларда қиш даврида боғбонларнинг агротехника ўқувларини ўтказиш зарур.

Агротехника қоидаларига тўла амал қилганимизда боғларимизни тез давр ичида тиклаб оламиз, боғ майдонларини кенгайтирамиз, мамлакатга кўплаб мевалар етиштириб берамиз.

Янги боғларга фақат стандарт кўчатлар ўтқазишимиз керак. Илғор колхозлар барча тайёргарликни кўриш блан бирга, янги боғ майдонларини режалаш ишларини ҳам бошлаб юбордилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Қорасув районидаги Свердлов номли колхозларда режаланган боғларда чуқурлар ковланиб, кўчатлар ўтқазишга тайёрланмоқда. Бироқ, Мирзачўл зонасидаги колхозларда бу ишлар етарли даражада қизитилмаётир. Бу ҳол кўчатларни энг қулай муддатларда — март ойи ичида ўтқазиб олишни хавф остида қолдиради.

Район партия ва совет ташкилотлари боғдорчиликни бу хилда ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш ҳолларига хотима беришлари, бу соҳадаги кўкламги ишларнинг энг қулай муддатларда бажарилишига эришувлари керак.

В. КУЗНЕЦОВ,
Р. Шредер номидаги мева-резаворчилик илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари

Н. КОВАЛЕВ,
илмий ходим.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИДАГИ ГРЕЦИЯ ВАКИЛИНИНГ МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 март. (ТАСС). Грециянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Греция вакили Х. Паламоснинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретари Хаммаршельдга юборган мактубини 10 мартда матбуотда э'лон қилмоқ учун тошширди.

Мактубда Англия ҳукумати томонидан архиепископ Макариоснинг ва бошқа грек руҳонийларининг Кипр оролидан сургун қилинганлитига қарши қаттиқ норозилик билдирилади. Мактубда Кипр тўғрисидаги музокараларда Англия томонидан қилинган таклифлар қаттиқ қораланади ва шу музокараларнинг муваффақиятсиз бўлиб чиққанлиги учун жавобгарлик Англия ҳукуматига юкланади. «Англиянинг бутун мақсади, — дейилади мактубда, — Кипрни мажбуран мустамлака қилиб туришни Англиянинг ўзидаги мавжуд ҳамма воситалар блан ва ҳарқандай қилиб бўлса ҳам сақлаб қолишдан иборатдир».

Мактубда, бу ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг а'золари бўлган ҳамма давлатларга юборилсин, деб илтимос қилинади.

СЕАТО кенгаши сессиясининг қарорлари Ҳиндистон жамоатчилигини ғазаблантирди

ДЕҲЛИ, 11 март. (ТАСС). Ҳиндистон газеталари СЕАТО кенгаши сессиясининг қарорлари тўғрисида ғазабланиб ёзмоқдалар ва бу ҳарбий пакт қатнашчиларининг Кашмир ҳамда Пуштунистон масалаларига аралашишга уринаётганликларини қаттиқ қораламоқдалар.

«Индиан экспресс» газетаси ўзининг бошмақоласида бундай деб ёзади: тўхталиб туручи воситалар ёки ҳарбий иттифоқлар тўғрисида гап сотиш блан қандай қилиб тинчлик вазияти вужудга келтириш мумкинлигини тушуниб бўлмайди. Бағдод пакти Араб Шарқида Ғарбга нисбатан жуда катта шубҳаланиш туғдирганлиги сингари Жанубий Осиё районида бўлмаган давлатлар ҳукмронлиги остидаги ташкилот бўлган СЕАТО ҳам Осиёдаги кескинликни кучайтирмоқда.

«Нейшнл геральд» газетаси СЕАТО кенгашининг Кашмир масаласига аралашувини «аҳмоқона ва афсусланишга арзийдиган ҳаракат» деб айтиб, «СЕАТО Кенгашининг бу ҳаракати Кашмир халқининг ишига ҳам, Ҳиндистон блан Покистон ўртасида ҳамжиҳатликни та'минлашга ҳам ёрдам бермади» деб ёзади.

«Амрита Базар Патрика» газетаси Американинг Покистонга ёрдам бераётганлиги тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «АҚШ Покистонга берилаётган ҳарбий ёрдамдан Ҳиндистонга қарши фойдаланилиши мумкинлигини жуда яхши билатуриб, Покистонга шундай ёрдам кўрсатаётир, деган хулоса муқаррар келиб чиқмоқда».

«Фри Пресс Жорнэл» газетаси бундай деб ёзади: «СЕАТО кенгашининг Карачидаги сессияси қарорлари Америка империализми эркин Осиё учун жуда катта хавф бўлиб қолганлигини очиқ кўрсатди, деган қат'ий хулосадан ҳинд жамоатчилигини воз кечишга ҳечбир нарса мажбур қилаолмайди».

ҲИНДИСТОНДА ОНА ВА БОЛА УЙЛАРИ ОЧИЛАДИ

ДЕҲЛИ, 9 март. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси хабар беради: Соғлиқни сақлаш министри Ражкумари Амрит Каур хоним Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида айтдики, соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш, айниқса қолоқ районларда бу ишни яхшилаш мақсадида Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ жойларида она ва бола уйлари ташкил қилиш планини тузди.Бу план 200 жойда она ва бола марказлари ва уйлари очишни кўзда тутади, бундай марказларнинг ҳарбири 60 мингга яқин кишига хизмат қилиши лозим. Планда Ҳиндистоннинг қишлоқ жойларида яшаб турган 12 миллион кишига медицина хизмати кўрсатиш кўзда тутилади.

Париж районидаги коммунистларнинг йиғилишида Жак Дюкло нутқи

ПАРИЖ, 10 март. (ТАСС). Кеча Париж районидаги коммунистларнинг КПСС XX с'езди якунларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретари Жак Дюкло Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг иши ғоят катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Дюкло Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини та'рифлаб, совет давлат арбобларининг барча халқлар ўртасида ва, жумладан, СССР ва Франция халқлари ўртасида дўстона алоқалар ўрнатишга интилаётганликларини қайд қилиб ўтди. Дюкло, икки системанинг тинч-тотув яшаши принципи СССР ташқи сиёсатининг асосидир, деб ва бу нарса Совет Иттифоқининг «агрессивлиги» тўғрисида буржуа пропагандаси тарқатаётган уйдурмаларни тамомила рад этади деб эслатиб ўтди.

Дюкло, Франция ҳукумати социал-сиёсий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашига ёрдам бериш соҳасида катта имкониятларга эгадир ва бу жиҳатдан тинч-тотув яшашнинг машҳур беш принципи муҳим асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб илова қилди.

Сўнгра Дюкло, ҳозирги замонда урушларнинг муқаррар эмаслиги тўғрисида КПСС XX с'ездида ўртага қўйилган қоида катта назарий аҳамиятга эгадир, бу қонда барча мамлакатларнинг ишчилар синфига ва халқларига урушнинг олдини олишларга мумкинлигини кўрсатади, деб қайд қилиб ўтди.

Жак Дюкло турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари ҳақидаги мъсала ҳақида гапириб, коммунистик ва социалистик партиялар ўртасидаги муносабатларга тўхталди. Биз, — деди Дюкло,— мамлакат истаётган сиёсатнинг юргузилиши учун ва социализмнинг ғалабасини тайёрлаш учун ҳаракат бирлиги заруралигини меҳнаткаш социалистларга кўрсатиб беришимиз лозим. Биз социалист ўртоқларимизга шу нарсани тушунтириб беришимиз керакки, агар бундай ғалабага ҳаракат бирлиги ва парламент йўли блан эришиш мумкин бўлса, бу ғалабага ҳокимиятдан буржуазия манфаатларида фойдаланиш йўли блан эришиш мумкин деб ўйлаш ярамайди. Ҳокимиятдан ишлабчиқариш воситаларига бўлган капиталистик мулкни социалистик мулкка айлантириш учун фойдаланиш керак.

Жак Дюкло Совет Иттифоқининг иқтисодий муваффақиятларини та'рифлаб берди ва СССР халқларининг моддий фаровонлиги ошганлиги тўғрисидаги ма'лумотларни келтирди. У бу муваффақиятларга коллектив раҳбарликдан иборат ленинча принцип мустаҳкамланганлиги туфайли эришилганлигини уқтириб ўтди.

Дюкло ўз сўзининг охирида Франция Коммунистик партияси а'золарининг вазифаси КПСС XX с'езди материалларини чуқур ўрганишдан ва буржуа идеологиясига қарши тинмай курашишдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтди.

Отоқли лейборист арбобларнинг нутқлари

ЛОНДОН, 11 март. (ТАСС). Кеча Кардиффда «Трибюн» газетаси ташкил қилган оммавий митинг бўлди. Митингда отоқли лейборист арбоблардан Э. Бивен ва М. Фут нутқ сўзладилар. Э. Бивен ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Унинг айтишича, Англияда ҳозирдаёқ «1931 йилги «катта депрессия»дан дарак бераётган аломатлар пайдо бўлди».

Бивен Англиядаги иқтисодий аҳволга Совет Иттифоқидаги ишларнинг аҳволини қарама-қарши қилиб кўйди. У Совет Иттифоқига кучли иқтисодий ривожланиш йўлида муқаррар қийинчиликларни енгишга тўғри келганлигини ва ҳали ҳам тўғри келаётганлигини қайд қилиб, совет кишилари «ўз жамиятини қайтадан қураолдилар» ва «иқтисодий соҳада му'жизалар» яратдилар, деди.

Бивен ўз сўзида Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг Англияга келажагига тўхталиб, уларни табриклашга чақирди. «Инсониятнинг келажаги, — деди у, — Ғарб блан Шарқнинг тотувлигига боғлиқ. Руслар тотув яшаш тўғрисида гапираётган эканлар, биз «хўп» деб жавоб бермогимиз лозим.

Сўнгра сўз олган М. Фут Англия ҳукуматининг ташқи сиёсатига тўхталди. Бутун дун'ё, деди у, «Вашингтоннинг бутун сиёсати барбод бўлганлигини кўриб турибки, Лондон кейинги 5—6 йил мобайнида Вашингтон кетидан судралиб бораётибди... Ана шунинг натижасида бутун дун'ёда Англиянинг обрўси ҳарқачондагига қараганда ҳам пасайиб кетди».

Ўша куни Ротенстоллда (Ланкашир графлиги) лейбористлар партияси а'золарининг йиғилишида парламент а'зоси лейборист Гринвуд нутқ сўзлади. У Кипрдаги жазо чоралари сиёсатини ва Англия ҳукуматининг Ўрта Шарқдаги тадбирларини қоралади.

Греция-Англия муносабатлари кескинлашмоқда

Греция ҳукумати ўз элчисини Лондондан чақириб олди ва Хавфсизлик Кенгашига норозилик хати юборди

АФИНА, 10 март. (ТАСС). Греция блан Англия ўртасидаги муносабатлар Кипр проблемаси сабабли ниҳоятда кескинлашди. Ма'лумки, Кипрда Англия мустамлакалар министри Леннокс Бойд Кипрни Грецияга қўшиш учун кураш ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган архиепископ Макариос блан олиб борган музокаралар муваффақиятсиз равишда тамом бўлди.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин архиепископ Макариос Грецияга жўнаши лозим эди. Лекин у ва унинг блан бирга кипрли яна уч руҳоний аэродромда инглиз ҳарбий вакиллари томонидан ушланганлар ва сўнгра ҳарбий соқчилар қўл остида инглиз ҳарбий самолётида нома'лум томонга олиб кетилганлар. Архиепископнинг Никозиядаги резиденцияси инглиз қўшинлари томонидан ўраб олинган.

Кипрда фавқулодда тартиб жорий қилинган. Бу тартибга биноан, Греция блан телефонда гаплашиш тақиқланган, Грециядан олинаётган ва Грецияга юборилаётган ҳамма телеграммалар цензурадан ўтказилмоқда. Афина радиосининг эшитдиришлари Кипрда инглиз ма'мурлари томонидан тўсиб қўйилмоқда.

Архиепископ Макариоснинг қамоққа олиниши ва сургун қилиниши Грециядa кучли норозилик туғдирди. Кеча кечқурун Греция ҳукуматининг махсус мажлиси бўлди. Мажлис тамом бўлганидан кейин Греция ташқи ишлар министри Спирос Таотокис баёнот бериб, Греция ҳукумати Лондондаги ўз элчисини чақириб олишга ва БМТ Хавфсизлик Кенгашига норозилик хати юборишга қарор қилди, деди. Ҳукуматнинг мажлиси тамом бўлганидан кейин чиқарилган ахборотда айтилишича, ҳукумат архиепископ Макариоснинг қамоққа олинганлигини ва сургун қилинганлигини «йўл қўйиб бўлмайдиган зўравонлик акти деб ва замонамиз цивилизациясига тўғри келмайдиган акт деб қораламоқда. Бу акт демократик эркинликларини ва миллий мустақиллигини қайтариб беришни талаб қилаётган халқнинг овозини бўғиб „ўйишга уринишдан бошқа нарса эмас».

Инглиз ма'мурларининг Кипрдаги ҳаракатлари бутун Грециянн газабландирди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Салоникдан берган хабарига қараганда, Салоникда архиепископ Макариоснинг қамоқдан озод қилинишини талаб этиб, инглизларга қарши ўтказилган оммавий намойишлар вақтида 50 га яқин киши, шу жумладан полиция ходимларидан 5 киши ярадор бўлган. Шаҳар кўчаларида танклар ва полиция отрядлари қатнаб турибди.

Кеча Афинада ҳам студентларнинг намойишлари бўлди. Англия элчихонасини грек полиция отрядлари қўриқлаб турибди.

Грециядаги воқиалар

АФИНА, 12 март. (ТАСС). Матбуотда босилаётган хабарларга қараганда, архиепископ Макариоснинг ва кипрли бошқа учта руҳонийнинг қамоққа олинганлиги ҳамда сургун қилинганлиги муносабати блан Грециядаги аҳвол кескинлигича қолмоқда.

«Акрополис» газетаси ёзади: «Бутун Грециядa халқнинг ғазаби жуда ошиб кетди. Афинада, Салоникида, Гераклионда (Крит ороли) Англияга қарши намойишлар бўлди. Афинада студентлар университет биноси олдида инглиз байроғини ёндирдилар, «ВЕА» деган инглиз авиакомпанияси биносининг деразаларини синдирдилар. Гераклионда намойишчилар Англия консулхонасининг биносини олгов-долгов қилганлар. Салоникида полиция блан тўқнашувлар бўлган, намойишчилар кўчаларда баррикадалар қурганлар. 4 та бронемашинани ушлаб олганлар. Пелопоннесда фавқулодда ҳолат э'лон қилинган.

Афина кўчаларида солдатлар патрульлик қилиб юриптилар. Англия, АҚШ ва Туркия элчихоналари олдида, бу мамлакатларга қарашли бошқа муассасаларнинг биноларн ёнида ҳарбий бўлинмалар дежурлик қилиб турибдилар.

Греция ички ишлар вице-министрининг айтишига кўра, Салоникидаги тўқнашувлар вақтида 120 киши ярадор бўлган. Полиция ма'мурларига бутун мамлакатда инглиз мактабларини ёпиш тўғрисида буйруқ берилган. 10 мартдан бошлаб грек мактабларида инглиз тилидан дарс бериш тақиқланган.

Оппозициячи партияларнинг ҳамма раҳбарлари инглизларнинг ҳаракатини кескин қоралаб, Кипр масаласи ҳақидаги сиёсатни белгилаб олмоқ учун мамлакатдаги барча партиялар раҳбарларининг иштироки блан король ҳузурида кенгаш чақирилишини талаб қилмоқдалар.

Греция бош министри Караманлиснинг журналистларга айтишига қараганда, Грециянинг ташқи сиёсий муносабатлари кескин даврга кираётганлиги ва мамлакат ичидаги аҳвол кескинлашганлиги муносабати блан ҳукумат «мамлакатдаги барча сиёсий кучларнинг вакиллари блан биргаликда Греция ташқи сиёсатининг асосий йўналишини яқин кунларда муҳокама қилади».

10 мартда Грециянинг БМТдаги доимий вакили Христиан Паламас бош секретарь Хаммаршельдга мактуб топширди. Бу мактубда Англия ҳукуматининг архиепископ Макариоснн ва бошқа руҳонийларни Кипрдан сургун қилганлигига қарши қат'ий норозилик билдирилган.

Англия мустамлакалар министри Леннокс Бойднинг Кипрда архиепископ Макариос блан олиб борган музокаралари ҳақидаги масалада мактубда бундай дейилади: «Англиянинг таклифлари, ҳатто ўз-ўзини бошқаришга доир таклифлари ҳам масхара қилишдан бошқа нарса эмас... Музокараларнинг барбод бўлганлиги учун мас'улият тамомила Англия ҳукумати бўйнига тушади. Англия ҳукумати бу музокараларни бошлаганда, унда оролга озодлигини қайтариш ниятидан заррача ҳам асар йўқ эди... Шундай қилиб, ҳеч шубҳа йўққи, Англия Кипрни ўзбошимчалик блан мустамлака сифатида идора қилиб туришни ўз ихтиёрида бўлган ҳамма воситалар блан ва ҳарқандай қилиб бўлса ҳам давом этдиришни мақсад қилиб қўяди...».

Мактуб қуйидаги сўзлар блан тамомланади: «Мен БМТ Уставининг ма'носига ва руҳига зид бўлган зўравонлик сиёсатига ва провокацион ҳаракатларга қарши энг қат'ий норозилик билдираман, бу хил сиёсат фақат аҳволни кескинлаштиришга олиб келади ва бутун дун'ёда тинчликни сақлаш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу районда жиддий хавф туғдиради».

Греция газеталари инглизларнинг Кипрдаги ҳаракатларини қат'ий равишда қораламоқдалар. «Элефтерия» газетаси Макариоснинг қамоққа олинганлигини «гангстерчилик» деб атамоқда ва Кипрдаги православия черкови бошлиғининг сургун қилиниши «Кипр аҳолисининг озодлик ҳаракатини ўз бошлиқларидан маҳрум этишни мақсад қилиб қўяди» деб уқтириб ўтмоқда. «Катимерини» газетаси «инглизлар Кипр архиепископига ва бошқа руҳонийларга қарши қаратилган шармандали чоралари блан ниқобларини йиртиб ташладилар» деб ёзмоқда... «Англия, — деб ёзади газета,— ўт ва қилич ёрдами блан озодлик овозини бўғиб қўймоқчи бўлади ва Грецияда умумий ҳаяжон туғдиришни истайди. Лекин Кипр халқи озодлик учун курашдан қайтмайди».

Спорт мавсуми бошланди

Утган дам олиш куни — 11 мартда ёзги спорт мавсуми бошланди. Областимиз ва Тошкент шаҳрининг стадионлари, спорт майдонлари давримизнинг қувноқ, эпчил, баҳодир ва жисмоний жиҳатдан чиниққан йигит ва қизлар блан яшнаб кетди. Югуриш йўлкаларида, футбол майдонларида, енгил атлетика секторларида мингларча физкультурачи ва спортчилар оммавий мусобақалар ва ўйинлар ўтказдилар.

Спорт байроқлари баланд кўтарилиб, ҳилпирайбошлади.

11 мартда ёзги спорт мавсуми бошланди. Ўзбекистон пойтахти — Тошкент стадионларида енгил атлетика, волейбол, городки, теннис ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Бектемир қишлоғида кўнгилли спорт жамиятларининг командалари ўртасида мотокросс мусобақаси бўлди. **Суратда:** мотокроссчиларга старт берилди.

Б. Мазур фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Байроқ кўтарилди

Ўтган дам олиш кунида областимиздаги спорт жамиятларининг ва физкультура коллективларининг спорт базаларида ёзги спорт мавсуми очилишининг тантанали байроғи кўтарилди. Стадионларда, спорт майдонларида енгил атлётика, баскетбол, волейбол, фехтование, теннис, бокс, шахмат-шашка, мотоцикл спорти каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда спортчилар бутун қиш мобайнида қўлга киритган ютуқларини намойиш қилдилар.

Ма'лумки, мамлакатимиз спортчидари шу йил ёзда Москвада бўладиган СССР халқлари спартакиадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу спартакиада совет спортчиларининг ютуқларига якун ясайди. Шунинг учун ҳам барча физкультура ташкилотлари бу спартакиадани муносиб кутиб олиш учун тренировка машғулотларини бутун қиш давомида юксак даражага кўтардилар.

Ёзги спорт мавсуми бошланди. Куч ва ғайратга тўлган йигит ва қизлар терма командалар составида ўзаро мусобақаларни бошлаб юбордилар. Тошкентдаги «Динамо» стадионида республикамизнинг энг кучли енгил атлётикачилари ўртасида Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитетининг мукофотини олиш учун традицион эстафета мусобақалари ўтказилди. Энг кучли гимнастикачи ва акробатчилар ўз талантларини намойиш қилиб кўрсатдилар. Бектемир қишлоғида спорт жамиятлари ва физкультура ташкилотларининг республика спартакиадаси программаси асосида шахсий команда биринчилиги учун мусобақалар бўлди. Темирйўлчилар саройида республика биринчилиги учун шахмат бўйича ва Тўқимачилар саройида эса қишлоқ спортчиларининг СССР команда биринчилиги учун шашка мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, областимизнинг барча шаҳар ва районларида ҳам ёзги мавсумнинг очилиш кунида спортчи ёшлар спортнинг кўпчилик турлари бўйича биринчилик учун курашдилар.

„Спартак“ стадионида

«Спартак» стадионида кўнгилли спорт жамиятлари ва физкультура коллективларининг ёш спортчилари ўртасида қиличбозлик бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда «Динамо», «Спартак», «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятларининг, Тўқимачилик, Алоқа, Медицина институтлари ва бошқа физкультура коллективларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўсмирлар ўртасида бўлган учрашувларда «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг вакили, биринчи разрядли спортчи Исломов катта муваффақиятга эришди. Иккинчи разрядли спортчи Султанаев («Динамо») иккинчи ўринни, ёш қиличбоз Қурбонов эса учинчи ўринни эгалладн. Бундан ташқари, спартакчи Авазов ва «Буревестник» жамиятининг вакили Содиқов ўртоқлар яхши натижаларга эришдилар.

Ёшлар ўртасида бўлган учрашувларда эса «Динамо» жамиятининг ёш спортчиси Бутов ўз рақибини енгиб, биринчи ўринни олди. Кравченко («Динамо») иккинчи ўринни, Тошкент тўқимачилик институтининг вакили Литорович учинчи ўринни эгалладилар.

Низомий номидаги педагогика институтининг спортчи қизлари чопиш мусобақасига қатнашиб, яхши натижага эришдилар. **Суратда:** чопиш пайти.

С. Чижиков фотоси.

Футбол мусобақалари

11 март куни «Динамо» стадионида футбол бўйича «Б» класс мастерлари ўртасида ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Бунда «Урожай» (Олмаота) ва «Пахтакор» (Тошкент) командалари учрашдилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида ҳар икки томон футболчилари ҳам ташаббусни ўз қўлларига олаолмадилар.

Ўйиннинг иккинчи ярмида учрашув кескин спорт курашлари блан ўтди. Тошкентли спортчилар меҳмонлар дарвозасига бир тўпни уриб киритдилар. Шундай қилиб, «Пахтакор» (Тошкент) командаси 1:0 ҳисоби блан «Урожай» (Олмаота) мастерлар командаси устидан ғолиб чиқди.

* * *

«Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг стадионида футбол бўйича ўртоқлик учрашувлари ўтказилди. Бунда «Пишчевик» ва «Буревестник» командалари ўзларини синаб кўрдилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида «Буревестник» футболчилари кескин ҳужумга ўтадилар, меҳмонлар эса ўз дарвозаларини яхши мудофаа қиладилар. Лекин ўйиннинг 11-нчи минутида «Буревестник» командаси ҳисобни очишга муваффақ бўлади. Сўнгра, «Пишчевик» спортчилари дарвозаннинг заифлигидан фойдаланиб, қарши томон дарвозасига бир тўпни уриб киритадилар. Кейинги минутларда эса ўйин кескин тус олади. Ҳар икки томон ҳам ҳужумга ўтади. Ниҳоят, ўйиннинг биринчи ярмида меҳмонлар яна бир тўпни уриб киритадилар.

Ўйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар ҳужумни кучайтирадилар ва бирин-кетин икки тўпни уриб киритадилар. Шундай қилиб, «Пишчевик» ва «Буревестник» командалари ўртасидаги кескин кураш вазиятида ўтган ўртоқлик учрашуви 4:3 ҳисоби блан «Пишчевик» командаси фойдасига ҳал бўлди.

А. КИМ.

Уйғун юбилейига тайёргарлик

Яқинда Ўзбекистон Совет Ёзувчилари Союзи президиумининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шоир ва драматург Уйғуннинг туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятига 30 йил тўлиши муносабати блан унинг юбилейини ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Президиумда Абдулла Қаҳҳор (юбилей комиссиясининг раиси), Ғафур Ғулом, Зулфия, Мирмухсин, Яшин, А. Иванов, Сора Эшонтўраева, Иззат Султон, М. Муҳамедов, М. Шевердин, И. Раҳимов ўртоқлардан иборат юбилей комиссияси тузилди.

Ҳозир республикамиз пойтахти мактабларида Уйғун ижодига бағишланган адабий кечалар ўтказилмоқда. Бундай адабий кечалар Москва районидаги 75-нчи, Сталин районидаги 13-нчи, Октябрь районидаги 14-нчи мактабларда ўтказилди.

Адабий кечаларда мактаб ўқучилари Уйғун лирикаси, драматургиясига доир темаларда доклад қилмоқдалар, юбиляр блан учрашувлар ўтказилиб, Уйғун кеча қатнашчиларига ўз ижодий плани ҳақида сўзлаб бермоқда.

Янги клуб

Оржоникидзе район, Троицкий қишлоқ советида катта клуб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Клубда анчагина китоб фондига эга бўлган кутубхона ва ўқиш зали ташкил этилди. Қишлоқ аҳолиси ишдан кейинги бўш вақтларида, шунингдек дам олиш кунларида клубга келиб маданий дам олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Клубда турли темаларда лекция ўтказилиб, ҳархил кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

С. Н. ВАСИЛЕНКО

Совет музика маданияти оғир мусибатга дучор бўлди —1956 йил 12 мартда 84 ёшда кекса совет композитори, СССР ва ЎзССР халқ артисти Сергей Никифорович Василенко орамиздан кетди.

С. Н. Василенко 1872 йилда туғилди. Москва консерваториясида тарбияланган, рус музика мактабининг энг яхши традицияларини ўзига сингдирган Сергей Никифорович Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзининг барча композиторлик иште'додини ёш Совет музика маданиятининг ривожланишига бағишлади.

С. Н. Василенко ўзининг бой ижодий тажрибаси блан Совет Иттифоқининг қардош миллий республикалари музика маданиятининг ўсишига та'сир кўрсатди. Бу жиҳатдан Ўзбекистон музика сан'атининг ривожланишида унинг роли бебаҳодир. Ўзбек композиторлари блан ҳамкорликда бирқанча йирик музика асарлари, шу жумладан биринчи ўзбек операси «Бўрон»ни ёзди.

Василенко ёш ўзбек композитор кадрларни тарбиялашда жуда кўп куч сарфлади ва унга э'тибор берди. Улар блан ишлашда Василенко рус классик музикаси ва ўзбек халқ куйларини ўрганишда муваффақиятли иш олиб борди.

Сергей Никифорович Василенко ўз умрининг охирги кунигача ўзбек музика ҳаёти блан яқиндан қизиқиб келди.

Партия ва Ҳукумат С. Н. Василенконинг хизматларини юқори баҳолаб, уни Ленин ордени ва иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлади ва унга Сталин мукофоти лауреати деган юксак унвон берди.

Сергей Никифорович Василенконинг унитилмас ёркин хотираси қалбимизда мангу сақланиб қолади.

Ил'ёс Анбаров, М. Ашрафий, М. Бурҳонов, Д. Зокиров, Т. Жумаев, Г. Исмайлова, А. Козловский, А. Қўчқоров, Г. Мушель, Ҳ. Носирова, Т. Содиқов, Д. Соатқулов, М. Турғунбоева ва бошқалар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
14 ва 16 мартда
Ҳиндистон ва Бирмадаги гастроль сафаридан қайтган ЎЗБЕКИСТОН САН'АТ УСТАЛАРИНИНГ
ҳисобот концертлари
Концертлар кеч соат 8 да бошланади. Билетлар театр кассасида ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
(Навоий кўчаси, 69, телеф. 37-267, 35-964)
14, 15, 16, 17, 18 мартда
ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ТЕАТРИНИНГ
гастроль концертлари
Концертларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Султонпошша Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Назира Юсупова, Раҳим Оллоберганов, Карим Исмонлов**, артистлардан **Эркиной Бекжонова, Мат'ёқуб Раҳимов** ва бошқалар қатнашади.
Концертлар кеч соат 8 яримда бошланади. Касса ҳар куни кундуз соат 2 дан очилади.
Корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари ва колхозлардан билетга заявкалар қабул қилинмоқда.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/III да **Юрак сирлари**, 14/III да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/III да **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/III да **Сингиллар қиссаси**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 14/III да **Пан То Си аттракциони**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Оскал.Оол** раҳбарлигида **Тува цирк артистларининг гастрольлари, А. Н. Александров** раҳбарлигида **икарий ўйинлари**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Ўгил**.

«ИСКРА» — 3-нчи залда кундуз соат 3 яримда **Меҳмондўст Бирма ерида**.

Калинин район, Калинин қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда туручи **Наби Ганиевнинг** шу район, Ворошилов қишлоқ советидаги Маленков номли колхозда туручи Халима Мирсаидовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

Чимкент шаҳар, Фабричная кўча, 1-а уйда туручи **Людмила Давидовна Цвилиховскаянинг** Тошкент шаҳар, Моторная кўча, 16-а уйда туручи Меер Волькович Цвилиховскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01387 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурхи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. №1394.